O'zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 20-may, chorshanba * № 16 (1180)

**Шавкат МИРЗИЁЕВ:**

"Таъмирланадиган уйлар ҳам, янги қуриладиганлари ҳам давлат томонидан бепул қуриб-таъмирлаб берилади. Янги кўп қаватли уйлар сентябрь ойида қуриб битказилади. Шу билан бирга, уйлари зарарланган одамларнинг илгариги ҳовлилари ҳам ўзларида қолади".

*(2020 йил 15 май куни Президентимизнинг Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиши натижасида зарар кўрган аҳолига янги қурилаётган уй-жойларнинг тамал тошини қўйишда айтган сўзидан).*

## СУБСИДИЯ ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ?



**Жорий йил 31 декабрга қадар хусусий пудрат ташкилотларига Марказий банк асосий фоиз ставкасининг 1,75 бараваридан ёки суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдордаги миллий валютада ажратилган кредитлар фоизининг асосий ставкадан ошган, лекин 10 фоизлик банддан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тўланади.**

⇨ 2-бет

## ШАЙТОН КИШАНЛАНГАН ОЙ



**Қалбнинг қотишида кўплаб сабаблар бор. Уларнинг энг асосийларидан: гуноҳни кўпайтириб, маъсиятда бардавом бўлиш, фарз амалларни Аллоҳ айтгандек бажармаслик ва ҳаром амалларни хотиржам бажаришдир.**

⇨ 3-бет

## ОТАМ ОВЧИ ЭДИ



**Ниҳоясига етмай қолган янги ҳикоясини отам бундай бошлайди: "Ҳа, бу гал ёлғиз ўзим кетдим. Тўқайга етиб келгач, велосипедимни таниш кулбада қолдирдим-да, ҳувиллаб ётган пахта далалари орқали рўпарада кўриниб турган қамишзор томон жўнадим..."**

⇨ 7-бет

ЯХШИ ХАБАР

# ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИ ТИКЛАНДИ



**Жорий йилнинг 13 май куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида "яшил" ва "сариқ" ҳудудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланганди.**

Республика махсус комиссияси томонидан карантин даврида маҳаллий йўналишларда темир йўл ва авиа қатновларини йўлга қўйишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди. Шунга мувофиқ, 2020 йил 18 майдан бошлаб, Тошкент шаҳридан Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига "Афросиёб" тезюрар поездлари ҳамда Фарғона водийсига йўловчи поездлар қатнови қайта йўлга қўйилди.

Темир йўл вокзали ҳудуди ҳамда темир йўл транспортида барча йўловчилар бир марталик ҳимоя ниқоблари ва қўлқопларда бўлишлари, темир йўл вокзалларида ижтимоий масофани сақлашлари ҳамда йўналтирувчи махсус тасмалар бўйлаб ҳаракатланишлари шарт.

Поездларга электрон чипталар онлайн тарзда сотилмоқда.

Темир йўл вокзалларининг иккинчи ўтказиш пунктида, яъни кириш қисмида йўловчиларнинг тана ҳароратини ўлчовчи махсус ускуналар ўрнатилган.

Шундай қилиб, 18 май куни "Афросиёб" тезюрар поездлари Бухоро ва Қарши шаҳарларига жўнаб кетди. Шу билан бирга пойтахтимизнинг Жанубий вокзалидан Фарғона водийсига йўловчи поезди қатнови ҳам йўлга қўйилиб, биринчи қатнов амалга оширилди.

ЎзА.

АЙТГАНЧА

# Ижтимоий тармоқларга ишонса бўладими?

**Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, одамлар орасида ваҳима уйғотиш нечоғли хавфли эканини коронавирус пандемияси туфайли дунё жамоатчилиги англаб қолди. Оқибатда Россия ҳукумати бир қанча ижтимоий тармоқлар, сайтлар ва айрим блогерларнинг фаолиятига тақиқ ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарди. Сабаби, ер юзини ларзага келтираётган миттигина вирусни интернет саҳифаларида ўта қўрқинчи енгилмас маҳлуқ қилиб, гўё йўлида учраган одамни комига тортадигандек, турли фотошоплар орқали аҳоли орасида тарқатиш коронавирусдан кўра хавфлироқ, ваҳималироқ эканлигида.**



Хўш, аслида воқеа ва ҳодисаларни ваҳимали қилиш мақсадида бўрттириб ёзиш кимга ва нимага керак? Журналистми ёки блогерми бирон масала юзасидан мулоҳаза юритаётганда чуқурроқ таҳлил қилиши, уни ижтимоий тармоққа жойлашдан олдин қариндош-уруғига, қўни-қўшнисига, маҳалла аъзоларига, қолаверса, жамики элдошларига қандай таъсир қилишини кўз олдига келтирмоғи лозим эмасми?

Сохта обрў орттириш мақсадида ҳали ҳаётда ўз йўлини топиб улгурмаган, ўзини билмаган, ўз оиласи, фарзандлари саломатлиги, турмуши ва рўзғори бутлиги учун ўзи ҳаракат қилишдек, ҳалол ризқ топиб, савобли ишнинг бошини тутишни англаб етмаган фуқароларни топиб, амалда олиб борилаётган сиёсатга, ҳукуматнинг фуқароларга бўлган муносабатини ёмонотлиқ қилиш, қўрилаётган иқтисодий чораларга қарши улар фикр айтишлари учун ўзлари ўргатиб, сўнг тасвирга олиб, оммага намойиш қилаётган баъзи сайтлар, блогерлар ва уларни қўллаб-қувватлаётган ҳайбаракаллачилар аслида ким ва нима учун хизмат қилаётганини билишармикин?..

Афшонадек Бухоронинг бир чекка қишлоғида туғилиб, вояга етган, савод чиқариб, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф илмини ўрганган ва тиббиётга меҳри тушган бобомиз Абу Али ибн Сино: "Ваҳима ярим касалликдир, хотиржамлик ярим соғлик, сабр эса шифонинг бошланиши", деган эди.

Шу кунларда ваҳима тарқатмасдан, хотиржамликни сақлаб, синовларга сабр қилиш борасида океан орти, Европа, Осиё минтақалари давлат раҳбарлари телевидение орқали ўз халқига тез-тез мурожаат қилишмоқда.

4 ⇨

ШУНДАЙ ДЕДИ



**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси раиси:**

**Хитой COVID-19'га қарши халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида келгуси 2 йил давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёти сустлашган ривожланаётган мамлакатларга 2 миллиард доллар маблағ ажратади.**

АКС-САДО

***"Hurriyat" газетасининг 13 май сонида эълон қилинган "Илми борнинг саводи бўлмаса қийин экан" сарлавҳали мақолани ўқидиму, "тилчи" сифатида, қолаверса, Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси сифатида руҳланиб кетдим. Бу масала мени ҳам анчадан бери ўйлантириб келади, шунинг учун фикрларимни қоралашга жазм этдим.***

***2019-2020 йиллар давомида том маънода она тилимиз ривожи ҳамда унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида туб бурилишлар бўляпти.***

# Номларимиз ҳандалакдек тилим-тилим...

Президентимиз томонидан 2019 йил 4 октябрь куни «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарор имзоланди, "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди ва ҳоказо. Уларда тилимиз ривожи билан боғлиқ яқин ва узоқ истиқболдаги вазифалар, стратегик режаларнинг аниқ негизи белгилаб берилди.

2 ⇨

ПУБЛИЦИСТ ЎЙЛАРИ

# Газетани ўзини таниган одам ўқийди

(Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг бир мақоласидан таъсирланиб...)

**Кеча эрталаб бир туш кўрдим: тонгги ғира-шира экан. Бир томон баланд девор. Девор таги ҳам хира ёруғ. Бир четда одам сояси кўринади. Унинг ёнида пешонасидан тортиб, то думигача аниқ икки хил рангда — бир томони қизил, иккинчи томони оқ от. От оёқларини кериб, бошини баланд кўтариб турибди. Шу пайт қаердандир катта ойболта пайдо бўлиб, отнинг пешонасидаги икки ранг ўртасига чопилиб, бутун танани иккига бўлиб ташлади. Шу пайт мўъжиза рўй берди: иккига бўлиб ташланган от танаси бўлакларидан биттаси қизил, иккинчиси оқ от пайдо бўлиб, икки томонга юриб кетишди... Бу ҳолни кўриб, нималарнидир гапирдим, нималардир хаёлимдан ўтди. Эслолмадим. Уйғониб кетдим. Кун ёйилиб қолган экан. Кечгача кўрган тушимни нимага йўйишни билмай кўнглим ғаш бўлиб юрдим. Эскилар тушдаги от — мурод дейишади. Мен кўрган от ҳалок бўлди... Аммо унинг нимталаридан бошқа иккита — оқ ва қизил отнинг вужудга келгани эса кўнглимни кўтарди.**

4 ⇨





# Номларимиз ҳандалакдек тилим-тилим...

Афсуски, баъзи ҳолларда қилинаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тушунмаётганимиз дилни хира қилади. Бугун ижтимоий тармоқларда давлат тилининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш йўлида қўйилаётган кичик одимлар юзасидан фикрлар "жанг"и кетяпти. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган давлат тилида иш юритишни таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси атрофидаги мунозаралар муҳокамалар марказига чиқди. Айримларнинг ҳуқуқий маданиятида ҳамон бўшлиқлар борлиги касрига тортишувлар баъзан тушунмовчиликлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Аслида бу қонун ҳужжати 30 йилдан бери давлат тилини ўрганмаган "ватанпарвар" раҳбарларга қаратилган. Бу ерда бирор-бир тилнинг ҳуқуқий мақоми камситилиши ҳақида гап йўқ. Бу миллатлараро нифоқ келтириб чиқаришни хоҳлаётган айрим кучлар учун асло "тутантириқ" бўладиган масала эмас эди...

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг "Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланган 42-моддасига "Давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади" деган тўлдириш киритилган.

Жуда тўғри қарор! Бироқ бу масала хусусида ҳам ижтимоий тармоқларда бир қатор муносабатлар билдирилмоқда. Бу оддий аҳоли учун эмас, мансабдор шахсларга қаратилган чора эканлигини билиб-билмай беҳуда тортишаётганлар ҳайрон қолдиради.

Бугунги шароитда тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш соҳасида давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун ҳам бирор чора қўллаш масаласи кўриб чиқилиши лозим. Чунки давлат тилига риоя қилмаслик кўп ҳолларда мана шу жабҳаларда юз бермоқда ва энг ачинарлиси, шаҳримиз кўркига кўрк бўлиб турган иншоотлар номлари, маҳсулот, унинг ёрлиқлари, кўча ёзувлари ва пешлавҳаларда тилимиз акси кўринмас экан, унга нописанд муносабат давом этаверади.

Дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат, аввало, ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Кейинги йилларда республикамизда ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ объектлари, корхона, муассаса, фирма, маҳсулотларга хориж тилларида ном қўйиш роса урфга айланди. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида ном яратишда инглизча ёки бошқа ажнабий сўзларга мурожаат қилишга ружу қўйилмоқдаки, бунинг сабабларини турлича изоҳлаш мумкин. Яъни, бу йўл билан балки истеъмолчилар эътиборини ўзига жалб қилиш кўзда тутилгандир, ёки хорижий ном орқали маҳсулотни жаҳон бозорига осон олиб чиқишни назарда тутгандир, бу бизга қоронғи...

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, бозор пештахталаридан ўрин олган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ном остидаги маҳсулотлар соф ўзбек тилида номланиши шарт. Бир қарашда булар шунчаки оддий масала бўлиб кўриниши мумкин. Шусиз ҳам муаммо етарли, бир томонда жаҳон пандемияси, иккинчи томонда техноген офатлар, улар келтириб чиқарган иқтисодий муаммоларни бартараф қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар.... Номи қандай бўлса ҳам маҳсулотни ишлаб чиқарибди-ку, отасига раҳмат ўша тадбиркорларнинг, дейишингиз мумкин. Лекин шуни унутмайликки, биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган энг буюк қадрият — она тилимизни бус-бутунлигича, бойликларига завол етказмасдан келажак авлодга етказишга масъулмиз. Акс ҳолда, она тилимизга нописанд муносабат давом этаверади. Келажак авлодлар "Наша каша"ни ичиб катта бўлади, миллий эртак қаҳрамонимиз Зумрад қолиб Машага эргашади, "Бенисcимо"да торт ейди, "Корзинка"дан харид қилади, "Гурман Бургер"да овқатланади...

Халқимизнинг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган тўқима номларнинг олдини олиш, янги номларнинг ўзбек адабий тили меъёрларига мос бўлишини назоратга олиш лозим. Тадбиркорлик субъекти билан шуғулланувчиларни номлаш (нейминг) технологияси асосларидан хабардор қилиш, уларга услубий кўрсатмалар бериш, савдо брендлари номларининг захирасини яратиш керак.

Айни пайтда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ривожланаётганини ҳисобга олсак, бир-бирини такрорламайдиган, янги ва ўзгача услубдаги ном топиш ҳам осон эмас, албатта. Мана шуларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига мос бўлишини таъминлаш бўйича услубий кўрсатмалар тайёрланиб, номлар захирасини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва ва адабиёти университети ташаббуси билан "Ўзбекча номлаш лабораторияси" ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан мазкур масала ечимига бағишланган "Ўзбек тилида номшунослик: меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳа учун маблағ ажратилиб, ўзбек тилида номлар базасини яратиш масалалари ечимлари ўрганиляпти.

Интернет тармоғида барча тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар учун uznom.uz сайти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу сайт орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишиларга фирма, корхоналар, савдо объектлари, ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун миллий номлар тақдим этилади. Йўлга қўйилган мазкур хизмат тури орқали ном яратиш жараёнида ўзбек тили меъёрларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларга чек қўйилади.

Юртимизда барпо қилинаётган янгидан-янги замонавий иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарига халқимиз миллий ғуруримиз бўлган ўзбек тили меъёрларига мос ҳолда тўғри ном беришга ўзларини масъул деб билишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ўз ишлаб чиқариши, савдо дўконлари, маиший хизмат объектлари, тиббий хизмат муассасалари, хусусий ўқув марказлари ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини йўлга қўяётган ҳар бир миллатдошимиз учун ҳаётий зарурат бўлиши билан бирга, ижтимоий бурч ҳамдир.

**Муяссар САПАРНИЯЗОВА,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

## СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАВЗУ

**Йилдан - йилга аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Талабга яраша таклиф деганларидек, республикамизнинг барча гўшасида турли хил намунадаги уйлар қад ростламоқда. Эндиликда мана шундай уйларни ипотека кредити асосида харид қилиш бирмунча енгиллашди. Президентимизнинг жорий йил 1 май куни имзолаган "Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ипотека кредити асосида аҳолига уй-жой берилиши тизимида энг муҳим ҳужжатлардан бири, десак адашмаган бўламиз.**



# Субсидия қандай имкониятлар беради?

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу қарор қабул қилинди. Қолаверса, мазкур ҳужжат пандемия даврида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Ипотека тизимидаги янги қарорда халқ учун қандай енгилликлар бор? Хусусий пудрат ташкилотларига-чи? Аҳоли учун давлат томонидан бериладиган субсидиялар миқдори неча фоизгача бўлиши мумкин? Ушбу саволларга батафсил мутахассислардан жавоб олдик.

### СУБСИДИЯ ЎЗИ НИМА?

***Субсидия — даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида давлат бюджетидан тўланадиган ва қайтариб берилмайдиган маблағ.***

***Бошланғич бадал – бу бирламчи бозордаги (янги қурилган) уй-жойларни сотиб олиш учун ажратиладиган пуллар. Шаҳар ва қишлоқ жойларда уларнинг қиймати ҳар - хил бўлади.***

***Субсидия, шунингдек, ипотека кредити бўйича фоизларни қоплаш учун ҳам берилиши мумкин.***

### Аҳоли учун қандай енгилликлар бор?

Аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари муддати 15 йилдан 20 йилга узайтирилди. Ипотека кредитлари муддатининг узайиши, асосий ва унга ҳисобланган ойлик фоиз тўловларининг камайишига, бу эса ўз навбатида, аҳолининг ойлик даромадларининг қолган қисмини бошқа зарурий кундалик эҳтиёж ва жамғармалар учун йўналтиришига хизмат қилади — *дейди Марказий банкнинг Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти директори Акмал Назаров.* — Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий йил 1 декабрга қадар тажриба тариқасида жисмоний шахсларга ажратилган ер участкаларида уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредитлари ажратилади. Бу эса аҳоли ўзлари учун мақбул бўлган жойларда уй-жой қуриш ва қайта қуришига молиявий томондан шароит яратишда муҳим қулайлик ҳисобланади.

### Субсидия неча фоизгача берилади?

— Шаҳарларда ва Тошкент шаҳрида ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида субсидиялар тўланади. Шу билан бирга, қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва ҳудудий ҳокимликлар томонидан 2020-2021 йиллар давомида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан мазкур ҳудудда субсидиялар сонини 1,3 бараварга ёки суммасини 40 фоизгача оширишга рухсат берилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда ипотека бозорида тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган квартираларга бўлган талабнинг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Шундан келиб чиқиб, эндиликда пардоз ишлари амалга оширилмасдан қурилган уй-жойларга Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган ресурслари ҳисобидан ипотека кредити берилиши жорий этилди. Бу аҳолининг уй-жойларни ўзига қулай дизайн асосида пардозлашига шароит яратади, — дейди Акмал Назаров.

### ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ ҚАНЧА?

***Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари:***

- ***қишлоқ жойларида 2 хонали квартиралар учун 174 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 224 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача;***
- ***шаҳарларда 2 хонали квартиралар учун 180 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 232 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача;***
- ***Тошкент шаҳрида 2 хонали квартиралар учун 198 миллион сўмдан 264 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 255 миллион сўмдан 352 миллион сўмгача берилиши қарорда белгилаб қўйилган.***

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли Фармонида келтирилганидек, Марказий банкнинг асосий ставкаси (қайта молиялаштириш ставкаси) пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

### Хусусий пудрат ташкилотларига қандай имтиёзлар берилади?

— 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига шаҳар ва қишлоқ жойларида 4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли уй-жойлар қуриш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган кредитларнинг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилиши тартиби жорий этилмоқда. Шунингдек, жорий йил 31 декабрга қадар хусусий пудрат ташкилотларига Марказий банк асосий фоиз ставкасининг 1,75 бараваридан ёки суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдордаги миллий валютада ажратилган кредитлар фоизининг асосий ставкадан ошган, лекин 10 фоизлик банддан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тўланади,— деб маълумот берди А.Назаров.

**Феруза РАҲИМОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**

## УЙҒОҚ СЎЗ

# Қўрқоқлар кечирилмайди



**Бундан 3-4 йил олдин бирон-бир фуқаро адолатсизликдан жабр кўриб тегишли ташкилотга шикоят қилса, нодон одамлар уни сўраб-суриштирмай "иғвогар"га чиқариб, ҳатто бўйнига "ёзғувчи" деган ёрлиқ ҳам осиб қўйишардилар...**

**Аслини олганда бу, ҳў, ўша, Собиқ иттифоқ тузуми давридан қолган "политика", бироқ ҳамон давом этиб келаётган энг ярамас тамойил (тенденция)лардан бири. Чунки, шўро раҳбарлари азалдан одамларнинг тазйиқ ва зулмга чидашини, қўйдай ювош бўлиб юришини истар эдилар-да!**

**Қолаверса, авом халқ ўзларини ўзлари шу тарзда "бўғиб", унини чиқармай турса, улар учун айни муддао эди. Бора-бора бу ҳол шунга олиб келди-ки, жабр кўрган одамлар шикоят қилиб, "иғвогар"га айланиб қолишдан ҳадиксираб, "оч қорним, тинч қулоғим", деб қўл силтаб яшашга мажбур бўлишди!..**

Қарангки, одамлардаги ичга ютиш, арз қилмаслик "касали" сурункали тус олган эканми, ҳеч тўхтай демасди. Эндиликда одамларни (чидолмагани) шикоят қилиш тартиби ўзгарди, дарров ижтимоий тармоқда чиқиш қилишади. Гўё шу билан арзи ижобий ҳал бўладигандек. Аслида идора, ташкилот, органлар билан халқни янада яқинлаштириш керак. Ана шунда ўзаро тушунмовчиликлар барҳам топади. Ахир элимиз бир, юртимиз бир, битта жамиятнинг аъзоларимиз. Тараққиёт тарқоқликда мавжуд эмас, у жипсликда олдинга ҳаракат қилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим лавозимларда ўтирган одамлар ишлаб турган мавжуд завод-фабрикаларни арзон гаровга сотиш (албатта, "усти"ни олиб), аниқроғи, талон-торож қилиш ёки "музлатиб" қўйиш билан шуғулланишди. Табиийки, бу юртимизда ишсизлар сонини кескин оширди, рўзғор, турмуш шароитини оғирлашишига олиб келди. Бугунги шевада айтганда, камбағаллар армияси пайдо бўлди. Ҳар қандай иллат, ҳар қандай жиноятнинг ўчоғи ҳам — аслида ишсизлик!

Яна бир жиҳати, давлат хазинасига қўли етадиган очкўз, нафси ўпқон амалдорлар ва "олий табақа" гумашталари томонидан, ўта махфий тарзда ўмарилди. Давлат маблағининг яна бир катта қисми мантиқсиз тадбирлар, турли шиорлар, жамғармалар томонидан совурилди.

Натижада бугунга келиб ялпи тус олган юқоридаги жиноий ҳаракатлар мамлакатда коррупция деган хавфли иллатнинг "гуллаб-яшнаши" учун шароит яратди. Табиийки, коррупция ҳукмрон жамиятда адолат топталади. Халқ қашшоқлашади.

Донишмандлар: "Катта аравалар қаёққа қараб юрса, кичиклари ҳам ўша ёққа интилади", деб бежиз айтишмаган, коррупция оддий одамлар орасида ҳам пайдо бўла бошлади, яъни бир-бирини чув тушириш ҳолатлари кузатилмоқда. Агар авж олса борми, бойларни, амалдорларни, кейин эса давлатни алдашга ўтишади. Унда бутун бир халқни тўхтатиб ҳам, қамаб ҳам бўлмай қолади.

***Айниқса, ишлайман, яратаман, бозорни тўкин-сочин қиламан деган, астойдил меҳнат қилаётган тадбиркорларга бир талай имкониятлар кўзда тутилган бўлса-да, айрим ҳолларда уларнинг ҳалол ишлашларига имкон беришмаётгани ачинарли.***

Коррупция ҳамма тармоқларни катта куч билан қамраб олдики, энди ундан олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар, мактаб, болалар боғчалари ҳам қутулиши очон кечмаяпти. Айниқса, ишлайман, яратаман, бозорни тўкин-сочин қиламан деган, астойдил меҳнат қилаётган тадбиркорларга бир талай имкониятлар кўзда тутилган бўлса-да, айрим ҳолларда уларнинг ҳалол ишлашларига имкон беришмаётгани ачинарли.

Ўз юртида ҳалол ишлаб бири икки бўлмасликка кўзи етиб қолганлар, аллақачон бошқа юртларга чиқиб кетишган. Баъзан буни ўзбошимчалик деб атаяпмиз, аммо сабабини айтишга юрагимиз чидамаяпти. Аслида улар тўғри қилганми, деган савол туғилади, ҳартугул ишлаб топган маблағи эвазига турмуш шароитларини яхшилаб олишаяпти. Тўғри, кўпчилиги янги уй-жой, машина сотиб олди. Ўғил уйлаб, қиз чиқарди. Лекин бунинг энг ачинарли томони шундаки, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод, яъни фарзанд тарбияси аро йўлда қолиб кетяпти. Биз ватанимизнинг эртасини ўйламай қўйдикми?

Ҳар қандай ноҳақликнинг чеки-чегараси бўлади, албатта. Ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз, мана, халқнинг арз-додини эшитиш учун катта йўллар очилгач, Президент халқ қабулхоналарига ўтган йиллар давомида бир неча миллион ариза ва шикоятларнинг келиб тушгани ҳам жуда кўп муаммолар тахланиб кетганини англатиб қўймоқда!

Худога шукрлар бўлсинким, мана, уч йилдан ошиқ вақтдан буён жамиятимизни тозалаш, поклаш, коррупцияни таг-томири билан қуритишга қаратилган саъй-ҳаракатлар жадаллик ва собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиздек, турли нопок йўллар билан талон-торож қилинган халқ мулки эса ўз жойига қайтарилмоқда. Бу тадбирлар ва ҳаракатлар, ўз навбатида, одамларни келажакка умид ва ишонч билан қарашга, ҳаётдан рози бўлиб яшашга ундамоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан Республика жамоатчилик палатасининг ташкил этилаётгани, умид қиламизки, албатта ўз самарасини кўрсатади. Бу палатага халқ учун жон куйдирадиган, ҳалол, тажрибали, бир сўз билан айтганда, фидойи инсонларни ўзига бирлаштиради деган умиддамиз.

Азиз биродар! — дегим келади замондошимга, мабодо, сен ҳам бугунги ва эртанги авлодларнинг адолат ҳукмрон бўлган давлатда, қонунлар устуворлиги таъминланган жамиятда, Соҳибқирон Темурбек бобомиз бошқарган "Буюк Турон Давлати" давридагидек покиза салтанат соясида, ҳаётдан рози бўлиб яшашини хоҳласанг, ҳеч иккиланмай, ҳақиқат учун курашиб яшашга ўрган, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш умринг амоли бўлсин.

Тараққиёт учун бундан бошқа йўл йўқ! Бўлиши мумкин ҳам эмас! Лоқайд бўлиб, яна алданиб қолсак, келажак авлодлар бизларни қўрқоқлар деб, мутлақо кечирмайдилар!

**Дурбек ҚЎЛДОШЕВ.**

ҲИДОЯТ

# Шайтон кишанланган ой



**Вақтнинг ўтишини қарангки, Рамазон ойи ҳам ниҳоясига етмоқда. Ҳар биримиз бир ой давомида рўза билан иҳоталаландик. Аллоҳнинг ойнасига эзгу ишларимиз, буюк амалларимиз, маърифатли қалбимиз билан қарагимиз келади. Шу учун рўза охирласа-да, унинг ҳузуридан, завқидан, фароғатидан айрилгимиз келмайди. Савоб ишлар қилинди, эҳсонлар тарқатиляпти, одамлар эзгу ишлар йўлида янада жипслашмоқдалар.**

**Улуғ Рамазон Ҳайити арафасида Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров билан моҳи Рамазон рўзасининг инсон ҳаётидаги ўрни, шууримизда ва қалбимизда кечадиган аксу садолари, бемисл аҳамияти, шафоати ҳақида суҳбатлашдик.**

*— Муҳтарам домла, мана муборак Рамазон ойида турибмиз. Биз муқаддас манбадан яхши биламизки, рўзанинг мўмин-мусулмон ҳаётидаги ўрни алоҳида. Шу маънода унинг инсон ҳаётидаги ўрни, фазилатлари, саодатга етакловчи омиллари ҳақида гапирсангиз?*

**— Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**

**Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.**

**Пайғамбаримизга мукаммал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин.**

Бу йилги Рамазон ва Ҳайит айёмлари синовли пандемия даврига тўғри келди. Бу эса халқимизнинг жамоат бўлиб ибодат ва байрам қилиш ҳузуридан маҳрум этмоқда. Буни албатта, ўзига хос ҳикмати борлиги, шубҳасиз. Бироқ халқимиз мана шундай синовли дамларда ҳам ибодатда қойим турди, савоб умидида рўзасини тутмоқда.

Албатта, мўмин-мусулмонга фарз қилинган рўзанинг фазилатлари кўп. Рўза энг аввало хато ва гуноҳлар учун каффоратдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Ким Рамазон рўзасини иймон билан, савоб умидида тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар». Ва яна «Ким Рамазон рўзасини тутса, унинг ҳадларини (чегараларини) билса, сақланиш керак бўлган нарсалардан сақланса, бу рўза ўзидан аввалги (бўлиб ўтган гуноҳ)ларни мағфират қилади»*, деганлар.

Рўза туфайли даражалар юксалиб, савоблар кўпайтириб берилади. Рўза юксак мартаба, шарафли мансабдир. Шу сабаб Аллоҳ таоло уни шарафлаган ҳолда Ўзига бириктирган ва «Аммо рўза мустасно, чунки у Мен учундир», деган, ҳолбуки барча солиҳ амаллар ҳам У Зот учундир.

Эътибор қаратган бўлсангиз, рўзадор одамнинг оғзи ҳидланади. Аллоҳнинг ҳузуридаги фаришталардан иборат жамоат ҳидлайдиган, рўзадорнинг оғзидан келадиган ҳид, яъни халуф мушки анбарнинг ҳидидан ҳам хушбўй бўлади. Фаришталар рўзадорларга салавот айтадилар, раҳмат сўраб дуо қиладилар ва мағфират сўрайдилар. Аллоҳ азза ва жалла фаришталарига рўзадорлар билан мақтанади. Рўзадорлар жаннатга ўзларига хос бўлган Райён эшигидан кирадилар.

Рўзадорлар Рамазонда икки марта хурсанд бўладилар. Бу хурсандлик рўзадорнинг ифтор пайтида, рўзаси тугал бўлганда унинг ажри узилиб қолмагани учун бўлса, яна бир хурсандчилик Роббига йўлиққанидаги шодиёнадир.

*— Рўзанинг мақсадлари яна нималардан иборат?*

— Имом Ғаззолий ҳазратлари ўзига хос услубда рўзанинг мақсадларига ишора қилар экан, шундай дейди: «Рўзадан мақсад Аллоҳ таолонинг хулқларидан бир хулқ — беҳожатлик билан хулқланиш, нафс истакларидан имкон қадар тийилиш орқали, шаҳватлардан пок фаришталарга иқтидо қилишдир. Инсон ҳайвон мартабасидан шаҳватларни ақл нури ёрдамида синдириш қувватига эгалиги билан устун туради. Аммо, шаҳватлар унга ўз таъсирини ўтказгани, у нафсу ҳавосига қарши курашишга мажбурлиги юзасидан фаришталардан қуйи туради. У шаҳватларга — нафс истакларига берилгани сари энг қуйи табақаларга — асфаласофилинга қараб кетади, шаҳватини синдиргани сайин фаришталарнинг олий мақомига кўтарилиб боради, натижада фаришталар фазосида парвоз қилади». Ташқи аъзоларни ҳамда ички қувватларни муҳофаза қилишда рўзанинг таъсири катта. У инсоннинг вужудини уни бузадиган, соғлигига зарар келтирадиган моддалардан тозалайди. Рўза инсонга унинг руҳи ва жисмидан нафсу ҳаво тортиб олган фазилатларни қайтаради. У чинакам тақвони ўзлаштириш учун энг яхши ёрдамчидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мусулмонларга рўзани фарз қилган оятда: «... сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз», — деган.

*— Қуръони Каримда "Қадр кечаси минг ойдан яхшидир" дейилади. Рамазоннинг ўзи улуғ, бу ойда Қадр кечасининг борлиги унинг қийматини янада оширади, албатта. Лайлатул Қадрнинг шу пайтгача мусулмонларга маълум ва номаълум фазилатлари ҳақида ҳам гапирсангиз?*

— Ҳар бир рўзадор Қадр кечасини ўзгача бир ихлос билан кутади, албатта. Чунки ҳар бир инсон ибодати Яратганга етиб боришини хоҳлайди: умид қилади, дуо қилади, ибодатда бўлади. Аллоҳ жалла шаънуҳу: «Албатта, Биз у(Қуръон)ни Қадр кечасида туширдик. Қадр кечаси нима эканлигини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдан яхшидир. Унда фаришталар ва Руҳ Роббилари изни билан барча ишлар учун тушадир. У то тонг отгунча салом (тинчлик)дир», деган **(«Қадр» сураси, 1-5-оятлар).**



Ушбу суранинг номи биринчи оятидаги «Лайлатул Қадр» калимасидан олинган. Бу муборак кеча икки хил маънода «қадр» деб аталади. Биринчиси – «қадр», яъни қадри улуғ, иккинчиси – «қадар», яъни бандаларнинг қадарини белгилашдир.

Чунки Қадр кечаси қадри улуғ кечадир. Қадр кечасида бандаларнинг бир йиллик қадарлари — тақдирлари белгиланади ва сураи карима бошидан охиригача муборак Қадр кечасига бағишлангандир. Худди шу кечада Қуръони Карим нозил этила бошлаган. Бу байрамда қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш имкони бор. Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун ҳам бу кечада бедор бўлиб, ухламасдан ибодат қилинади. Қадр сурасида Аллоҳ таолонинг мусулмонларга Ўзи берган улкан неъмати — уларни зулматдан нурга олиб чиққан Қуръони Каримни нозил қилганини эслатиши бежиз эмас.

*— Рамазон ойида рўза тутиш қайси даврдан бошлаб буюрилган? Одам Ато ва Момо Ҳаввога жаннатда тақиқланган меваларни ейишларининг рўзага дахли борми? Рўза тарихи ҳақида ҳам тўхталсангиз...*

— Аллоҳ таоло айтади: *"Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз".*

Ушбу оятдан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, рўза тутиш биздан олдинги умматларга ҳам фарз бўлган. Бироқ, муддати ва шартлари ҳар хил бўлган. Рўзанинг Одам Ато билан Момо Ҳавво онамизнинг жаннатдан тушишлари билан алоқаси бор ё йўқлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ, шуниси аниқки, Аллоҳ таоло қанча Пайғамбар юборган бўлса, уларнинг умматларига ҳам рўза тутишни буюрган.

*— Исломда рўза қачондан бошлаб фарз қилинган?*

— Ислом динида рўза Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилганларининг иккинчи йили фарз қилинди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларигача тўққизта Рамазон рўзасини тутганлар.

Аввалги динларнинг ҳам кўпларида рўза бўлган. Лекин унинг муайян вақти ва шакли бўлмаган. Ким қачон хоҳласа, қандай хоҳласа, рўза тутаверган. Уларда рўза кунини танлаш ҳам, бу рўзада нималардан сақланиш ҳам ихтиёрий бўлиб қолган. Масалан, айрим ҳинд динларида кимдир гўштдан, кимдир пиширилган нарсалардан тийилиш билан рўза тутаверади. Натижада рўзадан кўзланган мақсад йўқолган, нафснинг ғалабаси яна ҳам авжига минган. Рўзада хиёнат пайдо бўлган. Ким рўза тутди, ким тутмади, ким қачон тутди, ким қачон тутмади, ким қандай тутди, билиб бўлмай қолган. Оқибатда рўзанинг руҳий ва ахлоқий таъсири қолмаган.

Ислом шариатида рўза махсус кўринишда, муайян шартлар билан, маълум кунларда тутилиши жорий қилинди. Токи миллати, мамлакати, шахсияти, замон ва макони қандай бўлишидан қатъи назар, бутун дунё мусулмонлари бир вақтда, бир шаклда, бир кўринишда рўза тутишсин, ўзбошимчаликка ўрин қолмасин.

*— Рўзанинг бир ой қилиб белгиланишининг ҳам ўзига хос сабаблари бўлса керак?*

— Бошқа халқларда, рўза тутиш кунлари тарқоқ, йил бўйи турли кунларда бўлган. Бунда бир рўза куни билан бошқаси орасида бир неча кунлар ёки ҳафталар ўтади. На нафс бир нарсага кўникиб улгуради, на жисм бир нарсага эришади. Натижада рўзанинг мақсадлари барбод бўлади. Унинг ахлоқ ва руҳ тарбиясига бўлган таъсири йўқолади.

Юқорида айтиб ўтилган мулоҳазалардан Ислом шариати рўза ибодатини нақадар мукаммал тарзда жорий қилганини ҳис қиламиз.

*— Рамазонда ҳамма мусулмонлар фитр садақасини беришади. Бу садақанинг ҳикмати кўпроқ нималарда акс этади?*

— Фитр садақаси закот каби молиявий ибодатлардан бири бўлиб, фитр закоти ҳам дейилади. У закот фарз бўлишидан олдин иккинчи ҳижрий санада жорий қилинган.

"Фитр" бу — оғиз очиш, рўзадан чиқиш маъносини англатади. Рўза тугаши муносабати билан берилаётгани учун унга шундай ном берилган. Рўзадорнинг Рамазон давомида рўзасига етган нуқсонларнинг ўрнини тўлдириш, ҳожатманд кишиларни Рамазонда ўзгалардан ёрдам сўрашдан муҳофаза қилиш учун фитр садақаси берилади. Зеро, бунинг эвазига ҳайит байрамида ҳамма каби фақир кишилар барча инсонлар каби байрам хурсандчилигини ўз танларида ҳис қилишади, фарзандлари ва оила аъзоларига совға-салом ва кийим-кечак харид қилишлари учун қўлларида пул бўлади.

*— Фитр садақаси кимларга вожиб ва кимлар номидан адо этилса тўғри бўлади?*

— Фитр садақаси аслий ва зарурий эҳтиёжларидан ортган мол-мулки нисобга етган ҳар бир озод мусулмонга вожибдир. Фитр садақасининг миқдори жон бошидан буғдой ва унинг маҳсулотларидан масалан, ун, талқон ва ҳоказолардан ярим соъ миқдорда чиқарилади. Аммо, арпа, хурмо (тамр) ва майиздан бир соъ миқдорида адо этилади.

Соъни замонавий ўлчов бирликларига нақл қилишда ҳанафий мазҳаби томонидан белгиланган миқдорга кўра, бир соъ тўрт муддан иборат. Ҳанафий мазҳабимизга кўра, бир мудд 1072 граммдан иборат. Шунда соънинг ҳанафий мазҳабидаги миқдори қуйидагича бўлади: 4 мудд х 1072 гр = 4288 грамм. Демак, бир соънинг миқдори 4 килограмм 288 граммни ташкил этади. Ярим соъ эса 2 килограмм 144 граммдан иборат. Фитр садақасининг буғдой ва унинг маҳсулотидан бериладиган миқдори ана шунча бўлади.

*— Закот ва унинг замирида инсонлар учун қандай сиру синоатлар яширинган?*

— Закот — мол-мулкининг муайян қисмини эҳтиёжмандларга тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Закотнинг фарз эканлигини инкор қилиш диндан чиқиб қолишга сабаб бўлиши мумкин. Закотга жуда кўплаб ҳикмат ва фойдалар берилган. Закот фақирликка қарши курашади, мусулмонлар ўртасидаги биродарлик муносабатларини яхшилайди, уларда сахийликни тарбиялайди, қалбни бахиллик ва хасисликдан тозалайди, моддий аҳволимизни баракотли қилади, мол-мулкни зиёда қилади ва турли кулфатлардан сақлайди.

Закотга яширинган ҳикматларнинг яна бири — бу унинг инсонлар учун синов эканлигидир. Бойлик ҳам, камбағаллик ҳам — Аллоҳнинг қисматидир, шунинг учун бойликни қадр-қиммат, камбағалликни эса – камситилиш деб тушунмаслик лозим.

*— Молу давлатга эга бўлатуриб, закот бермайдиганлар ҳам учрайди...*

— Закот — муҳтожлар ҳаққи. Шунинг учун, бу дунёда тўланмаган закотни Аллоҳ таоло охиратда уларга қайтаришга мажбур этади. Аллоҳ таоло айтади: *"Олтин ва кумушни тўплайдиган ва уларни Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилмайдиганларга аламли азоб башоратини бергин. Улар жаҳаннам оташи ила қиздирилган ҳолда пешоналари ва ёнбошларига ва орқаларига босилади. "Мана шу тўпланган нарсаларингиз! Бас, ўзингиз тўплаган нарсангизни татиб кўринг!"* дейилади" **(Тавба сураси 34-35-оят).** Аллоҳ бундан ўзи асрасин! Агарда инсон вафот этса, ўз вақтида закот бера олмаган бўлса, биринчи навбатда ундан қолган мол – мулкдан закот бериш лозим бўлади.

*— Закотни қайси мол-мулкдан ва қандай инсонларга берган маъқул?*

— Закот шунчаки бир эҳсон эмас, унинг ўз шартлари бор, улардан бири — бу закот тўлаш мажбурий бўлган, йил давомида муайян миқдорда тўпланган маблағнинг мавжудлиги. Бу миқдор "нисоб" дейилади ва 85 грамм олтин қийматига тенглаштирилади. Агар инсон нисоб миқдорига ва ундан ҳам кўпроққа эга бўлса, эга бўлганига бир йил муддат ўтган бўлса, у эга бўлган жамғармасининг 2,5 фоизни закот қилиб беради.

Закот олтин ва кумушдан, уй ҳайвонлари — туя, қорамол, қўйдан, тижорат молларидан, мевалардан, дон маҳсулотлари ва бошқалардан, ер ости бойликларидан, топиб олинган ҳазинадан тўланади.

*— Қариндошларга закот берса бўладими ва аксинча, қайси қавму қариндошга закот бериб бўлмайди?*

— Камбағал ва муҳтож ака – ука, опа – сингил, амаки, тоға, амма, хола ёки бошқа қариндошларга закот бериш мақсадга мувофиқдир. Уларга закот бериш бир вақтнинг ўзида ҳам саховат, ҳам оилавий ришталарни мустаҳкамлаш саналади. Зеро Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам "Мискинга қилинган садақа садақа, холос. Қариндошга қилинган садақа эса ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир" деганлар.

Закотни ота-она, аёли, фарзандлари, невaралари, бобо ва бувиларига бериб бўлмайди. Чунки уларга ғамхўрлик қилиш, уларни таъминлаш — мусулмоннинг бурчидир.

*— Жуда кўп мусулмон давлатларида Рамазон келиши билан эҳсонлар кўпайиши баробарида озиқ-овқат маҳсулотларида, ошхоналарда арзонлаштирилган чегирмалар эълон қилинади. Бизда эса тескариси — айнан Рамазон келиши билан ва бошқа байрамларда озиқ-овқат маҳсулотларида кескин қимматлашиш бошланади. Бу иймон, инсоф тушунчаларига амал қилмаслик эмасми?*

— Ҳа, одатда, кўп жойларда Рамазон кириб келиши билан мусулмонларга қулайлик яратиш мақсадида нарх-наволар туширилади ёки камида оширилмай туради. Мана бу Рамазонга, умуман, мўсулмонларга бўлган ҳурмат, Аллоҳнинг динига нисбатан муносабатнинг гўзаллигидандир. Аллоҳ мана шундай савдогарларга, тижорат қилувчиларга барака беради.

Афсуски, баъзи савдогарлар Рамазондан, бошқа айёмлардан "фойдаланиб", бу ойда кўпроқ фойда қилиб қолиш мақсадида нарх-навони кескин суръатда ошириб юборадилар. Сабаби, бу ойда озиқ-овқатга бўлган талаб кўпаяр экан. Тўғри, мусулмонлар саҳарлик ва ифторликда дастурхонни чиройли қилиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб оладилар. Ёзнинг иссиқ кунларида мева-сабзавотларга бўлган талаб кучаяди. Аммо қутлуғ дамларда нархлар асоссиз оширилаверса, Рамазоннинг, мусулмонларнинг ҳурмати қаерда қолади? Инсон фақат ташқи жиҳатга қараб иш кўраверса, узоққа бормаслиги, ўсиб-унмаслиги аниқ. Рамазонда нархларни ошириб, чўнтакни қаппайтириш пайида бўлган тожир унинг касбидан барака олиб қўйилиши мумкинлигини билмайди ёки бу ҳақда ўйлаб кўрмайди. У ҳамма нарсага моддият кўзойнаги билан назар солади. Биз пулнинг кўплигини эмас, унинг баракасини сўрайлик.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, айтайлик, Рамазон ойида нархларнинг ошиб кетишига одамларнинг, яъни истеъмолчиларнинг ўзи ҳам сабаб бўлмоқда. Нега десангиз, баъзилар одатий кунларда емайдиган овқатларни Рамазонда босиб истеъмол қилади. Яна бошқалар ифторлик маросими ўтказиш мақсадида исрофга йўл қўйиб, дастурхонни "тўкин-сочин" қилиш пайида бўлади. Бундан ҳеч биримиз кўз юма олмаймиз.

Унутмайлик, инсон бу дунёга фақат еб-ичиш, кайф-сафо қилиш учун келмаган. Муборак Рамазон ғанимат. Шу сабаб бу ойда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлсак, рўзаларни сабр-тоқат билан тутиб, таровеҳларда хулуси ният билан қоим бўлсак, Аллоҳнинг розилигини топамиз, иншааллоҳ!

*— "Мўминнинг қалби Аллоҳнинг уйи" дейди халқимиз. Бироқ чиройли амал, гўзал қалб учун кафолат эмас. Чиройли исломий амалларни бажара туриб, қалбида фитна, риё, чақимчилик, ғийбат, ҳасад каби хунук иллатларни боқаётган бандалардаги қалб касаллигининг сабаби нимада деб ҳисоблайсиз?*

— Бу каби иллатларнинг барчасига қалбнинг қорайиб кетиши сабаб бўлади. Ер юзида яшаётган инсонларнинг ўз мезон ва андозалари бор. Улар эркагу аёлдаги чиройли сурат ва гўзаллик, мол-дунёдаги кенгчилик ва мўлчилик, мансаб ва амалдаги фахрланишдир. Ушбу сифатлардан бирига эга инсонда, албатта бошқалардан ўзини устун қўйиш ва ўзини кучли деб ҳис қилиш бор. Аммо еру осмонларни яратган Аллоҳ таолонинг Ўз мезон ва андозаси борки, у ҳам бўлса эрта қиёмат кунида инсонларнинг қалби ва амалларига қараб ҳисоб-китоб қилади.

Қалбнинг қотишида кўплаб сабаблар бор. Уларнинг энг асосийларидан: гуноҳни кўпайтириб, маъсиятда бардавом бўлиш, фарз амалларни Аллоҳ айтгандек бажармаслик ва ҳаром амалларни хотиржам бажаришдир.

Ҳикоят қилинишича, олис бир қишлоққа табиблар бориб, шу ерлик аҳолини тиббий кўрикдан ўтказмоқчи бўлишибди. Табиблар шикоят билан келган беморларга бирма-бир ташҳис қўйиб, муолажа қилишибди. Аммо шунча беморлар орасида бирортаси ҳам қалб касаллигидан шикоят қилмабди. Илгари бундай ҳолатга дуч келмаган табиблар бунинг сабабини ахтара бошлашибди. Қишлоқнинг ҳавоси ва сувида ёки яна қандайдир шифобахш жиҳатлари бордир, дея гумон қилишибди. Аммо бирорта ҳам тахминлари тўғри чиқмабди. Ниҳоят, бунинг сирини қишлоқ аҳлидан сўрашса, кексалари шундай дейишган: *"Биз ғийбат, ҳасад, кўролмаслик, кек ва адоват каби иллатлардан ҳазар қиламиз. Бирор кимсага нисбатан бундай муносабатда бўлмаймиз. Аксинча, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаймиз. Ана шунинг учун ҳам бирортамизнинг қалб касаллигидан шикоятимиз йўқ".*

Кўп зикр қилиш,тоатларни вақтида бажариш,гуноҳ-маъсиятлардан тийилиш,яхшиликларни кўпайтириш, ота-онани хизматларини қилиб, дуоларини олиш,оиладаги ака-ука, опа-сингил, эру хотин ўзаро яхшилик билан яшаш,жамиятдаги муҳтожларга ёрдам бериш,етимларнинг бошини силаш,қиёматни кўп эслаш, ўлимни эсдан чиқармаслик қалб касаллигини даволайди.

*— Тилакларингиз ва дуо қилсангиз...*

— Ушбу муборак Рамазон кунлари ниҳояси ва улуғ Ҳайит айёми арафасида Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик, халқимизга хотиржамлик сўраймиз. Юртдошларимизга меҳр оқибатли, сабрли бўлишни тилаймиз. Азиз халқимизнинг оғирини енгил қилиш дарди билан яшаётган Юртбошимиз бошчиликларидаги барча раҳбарларимиз, фидойи шифокорлар ва барча соҳа вакилларига куч-қувват тилаб қоламиз. Аллоҳ таоло юртимиздан бир неча ойдан буён давом этаётган "тожливирус" деган балони тез фурсатда даф қилишини Яратгандан сўраймиз. Она юртимиз янада обод бўлиб, ҳар хил табиий инжиқликлар ҳам элимизга бошқа рўбарў бўлмаслигини тилайлик, иншаоллоҳ. "Ҳуррият" газетаси жамоасининг ишларига ҳам зафарлар, омадлар, хонадонларига эса барака тилаб қоламиз.

**Гўзал БЕГИМ суҳбатлашди.**

# Ижтимоий тармоқларга ишонса бўладими?

Шунга қарамай, қўшимча даромад топиш мақсадида содда, гўл одамларни жалб этиб, эвазига маблағ орттириш (бирор хабарни ўқиш ёки бирор суратга олинган тасвирни томоша қилиш, ваҳимали видеони кўриш учун унинг профилига ташриф буюрсангиз, ҳисобингиздан маълум маънода маблағ ечиб олинади) учун патент олган тармоқлар, ўзининг профилига аъзоларни кўпайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Афсуски, улар воқеанинг асл моҳиятига етмай, чала туширилган тасвирларни ўзларича шарҳлаши, қўшимчасига мавҳум роликлар жойлаши, куракда турмайдиган, миллат манфаатига тўғри келмайдиган фикрлар билдириб, интернетга тиқиштирмоқда. Барчани бирдек ўйлантираётган муаммо эса айрим ижтимоий тармоқларнинг пандемияга муносабати шифони тезлатадими ё касалликни кўпайтирадими?.. Ҳа тўғри, бу касалликни кўпайтиради, холос!

АҚШ Президенти Дональд Трамп яқинда ўз ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида: "Асосий душманим менга қарши курашаётган сиёсатчи рақибларим эмас, балки мен ҳақимда ёлғон маълумот тарқатаётган блогерлардир", деб ёзади.

Айрим ижтимоий тармоқда фаолият юритаётган одамлар ўзи ёқтирмайдиган шахснинг айбини топиб, унинг нўноқлигига асос топгандай оммага жар солиши натижасида унга эргашадиган кимсалар ҳеч нарсадан бехабар ёмонотлиқ қилиб, баъзида "гўрига ғишт қалаб" фикр ёзишади. Бундай муносабат вирусдан кўра хатарлироқдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири шундай дейди: "Уйда ўтириб ҳам миллионлаб пул топса бўлади". Ҳа, тўғри, ҳозирда (карантиндан кейин, албатта) давлат хизматлари агентлигига бориб, пулини тўлаган одам пуллик сайт ёки телеграмда, инстограмда ўз саҳифасини очиши мумкин. Албатта, уни юргизишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кутилмаган воқеаларни ёритиши, ваҳимали ёки ялонғоч тасвирларни жойлаштириб бориши, жуда бўлмаганда шов-шувли ҳолат гирдобида ўзи бош қаҳрамон бўлиши керак бўлади. Масалан, Урганчдаги истироҳат боғидаги кўприкда ўзини ёқиб, сувга шўнғиган ўспирин воқеасини эслаш, кифоя. Аслида у ҳаётдан тўймаганди, балки ўзини реклама қилиш орқали сайти аъзолари сонини кескин оширмоқчи бўлган. Афсуски, воқеа анчайин фожиали якун топди. Танасининг учдан бири куйиб қолди.

Шу кунларда мамлакатимизда Сардоба воқеалари ва "сув балоси"га учраган аҳолининг бугунги аҳволи интернет саҳифаларида тез-тез ёритилаяпти. Албатта, дунёда ўзбек халқидек саховатпеша халқ йўқ. Сирдарёлик миллатдошларимиз, диндошларимиз дардига шерик бўлиш учун бутун мамлакат аҳолиси оёққа турди. Кўрпа-тўшаги, кийим-кечаги, озиқ-овқати ва маблағи билан ёрдам қўлини чўзди.

Аввал бошда халқимизнинг бундай мўл-кўл хайрия қилишини эҳтимол ҳамма ҳам кутмаганди. Лекин амалда кутилгандан-да юксак саховат кўрсатилди. Деярли савобли ишдан ҳеч ким четда қолмади. Кейинчалик бутун мамлакат аҳолисидан йиғилган ашё битта "Сардоба"дан жабр кўрганлар ошёнига сиғмаслиги маълум бўлди. Аммо айримлар шу ҳолатдан ҳам "очко" олиш мақсадида фойдаланиб қолишмоқчи. Уларнинг видео шарҳида нима эмиш ҳокимият халқимиз қилган эҳсонни эътиборсиз қолдирибди.

Мен ҳам ўша видеороликни кўрдим, йиғилган мол-мулкнинг арзимаган бир қисми ёмғирда қолган экан. Ёнидаги бино айвони, ўзларининг гапига ўзлари қарши бориб кўрсатишди, кўрпа-тўшак, кийим-кечакка лиқ тўла, ҳовлида қолган бир уюм буюм сиғмаслиги аёнлашди. Бундай пайт озгина бағрикенг бўлиш, масалага холис ёндашиш ҳар бир фуқаронинг бугунги синовли кундаги бурчи. Зеро, "тождорвирус" пандемияси ҳали кўча кезиб юрган бир пайтда ҳар қандай ваҳима ярим дард, яъни соғлом одамни ҳам касал қилиб қўйиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Мақсадимиз Ватанимиз эртаси — келажак авлоднинг шу юртнинг мутлақ эгаси бўлиши учун соғлом жамиятни шакллантириш экан, ўз халқимиз, ўз ватанимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида хизмат қилайлик. Ана шунда хотиржам яшашга, илм ўрганишга имкон яралади.

**Юсуф ЖЎРАЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

## ШУ КУНЛАРДА

### Ўзбек тилини ҳақоратлаган фуқаро жазоланди

***Фуқаро Дониёр Якубов Тойлоқ туман ҳокимлиги маданият бўлимида ишлаб келса-да, 2020 йил 15 майда Facebook ижтимоий тармоғидаги "Халқ фикри" номли гуруҳда ўзининг профилидан ўзбек тили ва миллатини камситувчи фикрларни қолдирган эди. Ушбу ҳолат юзасидан аниқлик киритиш мақсадида ИИБ ходимлари унинг уйига борган вақтида у ИИБ ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмай, қаршилик ҳам кўрсатган.***

Самарқанд шаҳар маъмурий суди раиси Ориф Пардаевнинг ёзишича, Д.Я.га нисбатан тўпланган иш 2020 йил 18 май куни очиқ суд мажлисида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 42, 194-моддаси 1-қисми ва 195-моддалари билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланиб, озодликдан маҳрум этилган.

### Қўриқланмайдиган прокуратура

***"Сирдарё вилоят прокуратураси ўз биноси олдидаги темир панжараларни олиб ташлади. Унинг ўрнига одамлар учун айвон қурилди. Прокурорлар одамлардан қўрқмайдиган бўлди. Прокурорлар одамлардан ўзини қўриқламайдиган бўлди. Тасанно!" – дея хабар қолдирган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори Муҳаммад Исмоил ўзининг Facebookдаги саҳифасида.***

Халққа хизмат қиладиган давлат идоралари суд, прокуратура, ҳокимият, вазирликлар умуман панжара билан ўралмаслиги керак. Бу каби ҳокимиятларнинг куролланган ички ишлар ходимлари билан қўриқланиши, оддий халқнинг эса амалдорларни олдига кириш учун кун бўйи сарғайиб туришини ижтимоий тармоқ аҳли қоралаган. Ҳамма амалдорлар сирдарёлик прокурорлардан ўрнак олсин, дея уларни алқаб юзлаб изоҳлар қолдиришган.

# Газетани ўзини таниган одам ўқийди

**(Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг бир мақоласидан таъсирланиб...)**







Хаёлимдан кейинги беш ой мобайнида дунёни ларзага солаётган воқеалар кечди. Шу вақт оралиғида инсоният ўз тамаддуни давомида кўрилмаган ҳодисага дуч келди. Оламни гўё Помпей зилзиласи титратди ва ҳамон титратиб турибди. Айрим кишилар дунё тарихи энди иккига: коронавирус пандемиясигача ва ундан кейинга даврга ажралади,деб башорат қилишмоқда. Бўлса бордир. Бундай "башоратлар"дан интернет сайтлари ёрилиб кетиш арафасида. Чунки интернет моддий энергия билан боғлиқ. Ўта қизиб кетса, ёрилиши тайин...Мен эса кўрган тушимни яхшиликка йўйиб, инсоният бугунги танг аҳволдан албатта чиқиб кетишига, бу ишда қўлловчи Аллоҳнинг қудрати буюклигига ишонган ҳолда ёзувчи устозим Шукур Холмирзаевнинг бир мақоласини ўқиб, таъсирланиб руҳий энергия манбаи бўлган газеталар ҳақида баъзи ўйларимни битишни лозим топдим.

Очиғи, бугунги кўчага чиқиш тақиқланган бир даврда газета ўқиш ҳам қийин иш бўлиб қолди. Шундай экан, ихтиёримдаги коронавирусгача чоп этилган нашрларни кўздан кечириб, юқорида келтирганим, айрим кишиларнинг коронавирус тарихни иккига ажратади, деган "башоратлари" бизнинг газеталаримизга таъсир кўрсатмаса керак, деган ўйга бораман. Қани энди газеталаримиз коронавирус даф этилгач, эртаклардаги каби бир юмалаб... "ўқишли газитлар"га айланиб қолса! Шуларни ўйлаб, анчадан буён босма нашрларнинг инқирози ҳақида гап-сўз кўпайгани ёдимга тушди. Аслида ўзбекнинг газета ўқий бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Нари борса икки-уч аср бўляпти. Дунё халқларининг илғорлари эса бу матоҳни гўё алмисоқдан қолган деб билишади. Шу боис бўлса керак, уларнинг аксарияти газетани, яъни доимий ном билан мунтазам чоп этиладиган икки ёки ўнлаб саҳифалардан иборат бўлган босма нашрга катта ҳурмат ва эътибор билан қарашади.

Хўш, ватанимиз Туркистонда газета қачон пайдо бўлди? Бу ҳақда маълумотлар кенг тарқалган. Жумладан, профессор Бегали Қосимовга кўра, Туркистонда даврий матбуот аслида жадидлардан илгарироқ, 1870 йилда пайдо бўлиб, Русия ҳукуматининг истилочилик сиёсатига хизмат қилган. Мазкур газета "Туркестанские ведомости" эди. Шу йилнинг ўзида, яъни рус тилидаги "Туркестанские ведомости" чиқарилгандан икки ой ўтиб, газетанинг ўзбек тилидаги иловаси ҳам чоп этила бошлайди. "Газета, — деб ёзади Б.Қосимов, — табиийки, расмий хабарларга, чунончи, оқподшоҳнинг фармойишлари, вазирларнинг фаолияти, Русия ички ҳаётига катта эътибор берди, ўрни билан Туркистон тарихи, маданияти, ҳозирги турмушига оид мақолалар уюштирди". Шу ўринда Бегали домла қизиқ бир маълумотни келтиради: "Масалан, газетанинг 1911 йил, 45-сони (19 июнь)да босилган "15 июня 1911г. в Ташкенте" (аҳамиятига кўра муҳим мақолалар русча номланган) мақоласини олайлик. Мақола Тошкентнинг руслар томонидан босиб олиниш санасига бағишланган. Бу сана ҳар йили тантанали нишонланган. Шу куни Тошкентнинг руслар яшайдиган Янги шаҳар қисмидан Эски шаҳардаги босқин пайтида ўлдирилган русларнинг қабри жойлашган Камолонгача бўлган кўчалар обдон тозаланиб, сувлар сепилиб, ҳар икки тарафига байроқлар осилиб безатилган. Минглаб маҳаллий халқ кўчага чиқарилиб, катта байрам уюштирилган... Газета байрам шодиёналарини ҳикоя қилар экан, истилода қатнашган "уруш фахрийлари"нинг маҳаллий халқ билан "учрашув"ларига кенг ўрин беради. Халқнинг "илгарироқ душман кўзи билан қараган бўлсалар", "Энди ушбу одамларга дўст ва биродарлик кўзи билан қарамоқлари" лозимлигини таъкидлайди. Чунки улар "Сизларни(нг) ободлик ва тараққийда бўлмоғингизга сабаб бўлган" деб кўрсатади..."

Бегали домла (у кишининг охиратлари обод бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз) дан иқтибос келтирганимизнинг сабаби бор. Бу ҳақда кейинроқ. Ҳозир эса ўзбек матбуотига жадидларнинг ва Русия мусулмонларининг кўрсатган таъсири хусусида қисқача тўхталамиз. Тарихчиларга кўра, газета аслида туркий халқлар ҳаётига ўн тўққизинчи асрнинг 30-йилларида Туркияда "Тақвими вақое" ("Воқеалар календари")нинг чоп этилиши билан кириб келганлиги айтилади. Ношир Исмоил Гаспиралининг "Таржумон"ига қадар Туркия ва Озарбайжонда бир қатор газеталар чоп этилди, аммо уларнинг ҳеч бири Россия мустамлакаси бўлган Қримнинг Боғчасаройида дунё юзини кўрган "Таржумон"чалик машҳур бўлмади. Гапни чўзмай, мазкур газетанинг турк оламига кўрсатган таъсири хусусида икки оғиз сўз келтирамиз холос. *"Туркистон макотиби жадидининг лисони истиқболияси ёинки прўғрам лисониясидан бир қоч (неча) сатр ёзалим, — дейди Беҳбудий. — Умумрусия мусулмонларинда, Туркистони Русий ва Самарқандда усули савтия китоблари туркча ўлароқ вужудга чиқди. Жумла муаллим ва устозлар, муовинлар туркий "Таржумон" тили соясинда матлаб ва маълумотлара ноил ўлдилар. Турк тили ва адабиёти Русия мусулмонларини сайд этажакдир. Матбуот бунга шоҳиддир".*

Шу ўринда юқорида Бегали домланинг "Туркестанские ведомости" газетасидан келтирганимиз иқтибоси хусусида ҳам фикр юритиш жоиз. Бунинг учун домланинг ўзи ёзган "Миллий уйғониш" китобидан яна иқтибос келтирамиз: "1906 йилда ғайрируслар маорифи масаласи жиддий тус олади, — деб ёзади Бегали домла. — Маориф вазирлигидаги корчалонлар Русия мусулмонлари учун очилган рус-татар, рус-тузем мактабларида она тилини рус алифбосида ўқитиш масаласини кўтарадилар. Шунда "Таржимон" "Фойдасиз хизмат"(122-сон) деган мақола босади. *"Эй ғуспўда"лар, ақл(г)га мурожаат этинг. Бизим ўз алифбомиз вор, ҳам динийдур, ҳам дунёвийдур. Русча ва французча ўқуруз, лекин ўз алифбомизни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этма(й)миз"*, деб ёзилган




эди мазкур мақолада. Мақола муаллифи Исмоил Гаспирали эди".

Шундай қилиб, "Туркестанские ведомости" газетаси маҳаллий халқни "Сизларни(нг) ободлик ва тараққийда бўлмоғингизга сабаб бўлган" кишиларни (чор Русияси босқинчиларини) ҳурмат қилишга мажбур этса, Исмоил Гаспринскийнинг "Таржумон" газетаси ўша халқни ёт алифбога ўтказмоқчи бўлганларга "Русча ва французча ўқуруз(ўқиймиз), лекин ўз алифбомизни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этма(й)миз",дея туркийларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам минг йиллар мобайнида тарих яратиб келган ёзувини ҳимоя қилади. Назаримда ушбу манзилда сўзамолликка ҳожат йўқ. Икки хил ниятда ташкил бўлган газеталардан келтирилган иқтибосларнинг ўзи кимнинг ким эканини кўрсатиб турибди.

Шу нуқтада бир жиҳатга эътибор қаратишингизни истар эдим. "Таржумон" хусусий газета эди. "Туркестанские ведомости" газетаси эса чор ҳукуматининг ҳарбий вазирлиги органи бўлган. Қаранг, икки аср нарида чоп этилган газетадан тортиб бугунгача мавжуд нашрларнинг жилови ҳамон у ёки бу расмий ташкилотнинг қўлида эканини кўрамиз. Совет даврини қўятурайлик, мустақилликка эришганимиздан сўнг қачон бир хусусий ёки акциядор газетага эга бўлдик? Газеталаримиз албатта қайсидир бир ташкилотнинг пинжида туриб "жон сақлайди". Ўша ташкилотларнинг ўзлари ҳам бошқа бир каттароқ ташкилотнинг пинжида ўтирган бўлади. Ваҳоланки, дунё матбуоти бундай тажрибадан аллақачон юз ўгирган. Масалан, Европа, Англия ва борингки ана Россияда ҳам юзлаб газета-журналлар чоп этилади. Улар орасида бутунжаҳонга машҳур газеталар борки, бу нашрларнинг аксарияти хусусий ёки акционер гуруҳларга қарайди. «Таймс» ва «Гардиан» газеталари либерал газеталар ҳисобланиб, юксак савиядаги ахборот воситаси саналади. Майли, Англия биздан ҳар жиҳатдан олис, шундоқ кечаги "оғамиз" Россияда чоп этиладиган газеталарни олайлик. Уларда ҳам айрим "Правда"га ўхшаган газеталарни айтмаса, "орган-порган"лар қолмади. "Аргументы и факты" газетасининг умумий адади қайта қуриш йилларида беш миллиондан ошарди. Ҳозирда бир ярим миллион атрофида. Бундан анча йиллар нарида Россия газеталаридан "Труд" ва яна "Литературная газета"лар жуда машҳур эди. Сирасини айтганда, ўша республикалар ўртасидаги иқтисодиий ва маънавий алоқалар узилиб қолган 90-йилларда, айниқса, "Труд" нашрининг аҳамияти катта бўлган. Бу ҳақда устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев: "мазкур газетада эълон қилинган мақолалар ўзининг ишончлилиги, салмоқли фикрлари билан ўқувчиларни ўзига жалб этади. Газета бировнинг ноғорасига ўйнамаган. Айтайлик, бир пайтлар "ўзбек мафияси" ҳақида афсоналар тўқиш совет матбуоти учун урф бўлиб, ҳаттоки, айрим мақолаларда бутун халқ жиноятчига чиқариб қўйилган эди. Яқинда (1994й.) ўша йилларда чоп этилган газеталарни варақлаб чиқдим. "Труд" халқимиз шаънига бўҳтон уюштирмаган экан.

Зотан, газета ўқотар қуроли бўлмаса-да, нишонга олган жойида бир ўзгариш ясаш қудратига эга ахборот воситасидир. Унинг асосий нишони эса инсон ақли ва қалбидир. Ўшандай газеталарнинг нуфуси ҳам бугунга келиб пасайишга турмоқда. Ҳа, тўғри, таъбир жоиз бўлса, жамиятда барометр ролини аввалари газеталар бажарган бўлса, бугун улар ўрнини телевидение ва ижтимоий тармоқлар эгаллай бошлади, деса бўлади. Аммо бу ҳали босма нашрлар энди тугади, дегани эмас.

Бугунги газеталаримиз ўзларининг "сегмент"ларига — ўқувчиларига эгами? Ўша ўқувчилар ўзлари ёқтирган нашрларни қўлдан қўймай ўқийдиларми? Бундан ўттиз беш йиллар наридаги Ўзбекистонни эслайман. Одамлар эрта тонгдан нон дўконида эмас, газета киоскаларида навбатда турарди.

Бугун мамлакатимизда кенгқамровли ислоҳотлар кетмаяптими? Бугун Президентимиз раҳбарлигида халқимиз Янги Ўзбекистонни қураяпти. Бизнинг метроларимизда, автобус, поездларимизда қанча одам газета ўқиб йўлни қисқартиради? Масалан, Истанбул, Москва, Лондон каби шаҳарларда эрталаблари метрога чиқсангиз ўриндиқлар устида, вагонларнинг ойна четларида турли газеталарни кўриш мумкин. Йўловчилар поездга ўтираётиб уларни варақлашади. Ўқигани ўқийди, ўқимагани кўз югуртириб, ўтирган жойига ташлаб кетаверади. Бошқача айтганда, камхарж талаба метрога тушиш учун пул топса бўлди, манзилига етгунча бугунги янгиликлардан бемалол хабардор бўлиши мумкин. Бизда ҳам метро бор. Бизда ҳам газеталар бор. Аммо метроларимизда газета ҳам, газетхон ҳам йўқ. Бунга ким айбдор? Ўқишли газета чиқармаётган таҳририятларми ёки эркин сўзни айтишдан чўчийдиган муҳаррирларми? Бизнинг метроларимиздаги йўловчиларнинг қўлларида газета ёки журнални эмас, оғир-оғир халталарни кўрасиз. Уларнинг кўзлари ким нима кийгани-ю, халтасида нима ортмоқлаб бораётганида бўлади... Ҳар ҳолда коронавирус тарқалгунча шундай эди.

Шубҳасиз, газета қизиқарли бўлиши керак. Демак, газета ўз ўқувчисининг табиатига мойил мақолалар чоп этишга мажбур. Албатта, бу дегани айрим чет эл нашрлари каби ёки оппонентларимиз оғиз кўпиртириб мақтаётган ўзимизнинг интернет сайтларидаги беҳаёликни тарғиб этувчи мақолалар ва расмларни чоп этиш керак, деганимас. Биз алҳамдулиллоҳ, мусулмон фарзандлари эканимизни унутмаслигимиз керак. Баъзан, бирон материални ўқиш ёки қидириб топиш учун интернетга киришга юрагинг безиллайди. Қидирган нарсангни энди топдим , деганингда нимадир бўлади-ю, экранга бир беҳаёнинг сурати "лоп" этиб чиқади-қўяди. Каловланиб қолади одам. Сиз-ку, "Астағфуруллоҳ"ни айтганча ҳалиги беҳаёни кўздан йўқотасиз, аммо ёшларнинг тилига ўша онда юқоридаги тавба калимаси келармикан?! Ана шундай пайтларда интернет ҳаётимизга қанчалик қулайликлар олиб кирган бўлмасин, юқоридаги каби "ахлоқсизлиги" билан олиб келган барча яхшиликларини ҳабата қилиб юбориши ҳақида ўйлаб қоласан киши. Аммо бургага аччиқ қилиб кўрпани ўтга ташлаш гумроҳлик бўлганидек, интернетнинг бундай "юзсизлигини" деб ундан юз ўгириш яна эски чориққа қайтиш бўлади. Айб интернетда эмас, айб ўша интернетнинг қулоғини бураётган, унга беҳаё суратларни, оғизга олиб бўлмайдиган сўзларни, ёлғон-ёшиқ бўҳтонларни қуяётган одамда. Демак, ўзимизда...Ўзимизга инсоф берсин!

Яқинда бир газетанинг бош муҳаррири билан суҳбатлашиб қолдим. Мамлакатимизда китоб тарғиботи яхши бўляпти, аммо "Ҳар бир хонадонга бир газета" деган шиор ўртага ташланса, балки одамлар янада кўпроқ китоб ўқиган бўлармиди, деган гапни айтиб қолди ўша муҳаррир. Маъқул таклиф. Чунки газета ўқимайдиган одамнинг китоб ўқишига шахсан мен ишонмайман. Бир устозимиз: "Газетани ўзини таниган одам ўқийди", деб тўғри айтган эди. Аммо яна бир муаммо шундаки, бизнинг кўпгина газеталаримиз ўша "ўзини таниганларни" ҳам ҳафсалаларини пир қиладиган даражада саёз эканини тан олишимиз керак. Аслида жамиятда интеллектуал фикрни газета-журналлар шакллантиради. Агар ёлғон маълумот берса суд олдиди жавоб берсин. Бўлмаса, кўнглидагини айтсин... Бугун нима учун газеталаримизнинг ададлари пасайиб кетган. Чунки газетхонни қизиқтирадиган, муштарий бош кўтармай ўқийдиган мавзулар, ахборотлар, суҳбатлар, мақолалар жуда кам.

Ижтимоий тармоқлардаги битикларга келганда шуни айтиш керакки, улар истаса-истамаса тарихни босма нашрлар дарж этади. 1916 йилнинг 9 августида Тошкентга келган "Вақт" газетасининг мухбири Шоҳид Муҳаммадёров: *"Мардикорлик ари уясига чўп суққандек бўлди.Туркистонда бамисли ер ларзага келди. Халқ бош кўтариб, ён-атрофга қаради. Бу Туркистон учун чинакам 1905 йил бўлди...Туркистон бирдан ўн саккизинчи асрдан йигирманчи асрга кирди, десак, янглишмаймиз"*, — деб ёзган эди. "Вақт" газетаси Туркистоннинг энг фожиали кунларини тарихда қолдирганини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Шундай экан, ўзбегимнинг кунингдан бир кун қолгунча ош е, дейдиган кишилари қаторида кунидан бир кун қолгунча қўлида газета ушлаб яшашни истовчилари ҳали бор.

Ўтган асрнинг 90-йилларида бўлса керак, устоз ёзувчимиз Шукур Холмирзаев "Адабиёт ўладими?" деган катта мақола ёзган эди. Унда адибимиз адабиётнинг туб масалалари ҳақида фикр юритиб, кейинги вақтда матбуотда ҳам, радио ва ҳатто бундай мишмиш Ғарбнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам йўқ эмаслигини ёзганди. Ва ўшандай шароитда ҳам ўша Ғарбу Шарқда баъзан-баъзан яхши асарлар чоп этилаётгани, аммо "Ўзимизда – бу «бозор» сари илдам кириб бораётган жамиятимизда эса ўшандай асарлар яратилмаётгани кундек равшан", деб қайғурган эди. Шукур аканинг юқоридаги фикрларини бугунги кунда ҳам тўласинча газетачилик соҳасига-да татбиқ этилса, ҳеч хато бўлмайди. Айни пайтда "адабий мухбирларнинг" ҳам роса пўстагини қоққан эди, ўша мақоласида гўринг нурга тўлгур Шукур ака. Газетани эса адабий мухбирлар эмас, ҳақиқий журналистлар яратади. Ҳа, яратади. Газетанинг ҳар бир сони ўқувчининг қалбини ишғол қила оладиган ўзига хос бир қудратга эга асар бўлиши керак. Агар шунга эришолсак, Газета ўлмайди.

**Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ.**

**Туркий эл-улусни, айниқса, ўзбек элини от билан туясиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дейлик, боғбон сотувчидан: "Олмангиз нечи пул, отахон?" — деб сўраса, сотувчи: "Ҳа, от билан туя бўлармиди!.." — дейди. Бунда олувчини чўчитмай туриб олмага қизиқтириш, ҳазиллашиб кўнглини олиш каби савдо-сотиқ усулларидан ташқари хонакилаштирилган уй ҳайвонлари (ит, мушук, қўй, эчки, сигир ва ҳок.) орасида энг йириклари ва нархи энг қимматлари от билан туялигига ишора бор.**

*Талқин*



ОТАУЛИ




Қаҳрамонлик эпосимиз "Алпомиш" достонида бош қаҳрамон Ҳакимбекнинг энг яқин дўсти Бойчибор деган от. Инсоний ақл тимсоли бўлган бу бош қаҳрамон (Ҳакимбек) етти йиллик зиндондан қутулиб ўз юртига қайтганида унга эгиз туғилган сингил, эзгулик тимсоли Қалдирғоч, тутинган ота Қултой, ёлғиз ўғил Ёдгор, Бойбўри ота ва Кунтуғмиш она, ниҳоят, умр йўлдоши Барчиндан аввалроқ Қоранор деган туя юзма-юз келади.

Айни шу эпосда тилга олинган Қоранор, айтиш мумкинки, туркий халқларнинг бизга замондош энг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг биринчи романи "Бўронли бекат" асарида бош қаҳрамон Эдигей Жангелдин (Жонкелди)нинг ёнида ўзига хос тимсол бўлиб қайта бўй кўрсатди. Бу улуғ адибнинг "Алвидо, Гулсари" қиссасини эса Гулсари, ўзимизча айтганда чибор, яъни Бойчиборсиз тасаввур этиб бўлмайди! Яна, қаранг: Ҳакимбекнинг жони жонига туташ энг яқин икки жон аямас дўсти бор: ҳайвонлардан — Қоранор, инсонлардан — Қоражон! "Қоранор" ва "Қоражон" қўшма сўзларидаги "қора", аслида, ранг-тусни эмас, катталикни англатади. Шунинг учун ҳам масалан, достондаги алпликнинг зидди бўлган майда одамлар тимсоли Ултонтоз: "Бундай йирик одам орамизда бўлса ҳаммамизни босиб кетади", деган баҳона билан Қоражонни айнан туябоқарликка сургун қиладики, бу ҳам, албатта, теран тагмаънога эга!..

Модомики, ушбу бадиадан мақсад йигирма йил аввал қилинган алпомишхонликдан кейин мақолхонликни изчиллик билан давом эттириш экан, диққатни ўзбек халқининг бевосита от билан туяга боғлиқ мақолларига қаратайлик! Мана, Ш.Шомақсудов, Ш. Шораҳмедов яратган "Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати" китобнинг 1987, 1990 ва 2001 йилги нашрларидан кейинги тўртинчи нашрига "Маънолар махзани. Маънолар шарҳига бағишланган китоб", дея янги от қўйилган, бу нашр ("Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2018) да, жумладан, "от" сўзи билан бошланувчи юзтача мақол шарҳланган. Шулардан кўпчилиги (масалан, "От айланиб қозиғини топар, Эр айланиб ёзиғини топар", "От ўрнини той босар, ота ўрнини — ўғил", "От ойлигини ўйлар, Туя — йиллигини" кабилар) бугунги тилимизда фаол қўлланади, қолаверса, китобда улар яхши шарҳланган. Ҳатто, "От — йигитнинг қаноти" мақоли ва юзга яқин вариантларининг тагмаънолари кенг ёритилган. Бироқ унга кўп мақоллар кирмай, баъзи мақоллар шарҳи тугал бўлмай қолган. Буни тушунса бўлади, ахир, халқ мақоллари битмас-туганмас хазина-да.

Келинг, бугунги кунда унутилаётган ва мазкур китобда етарли шарҳланмаган айрим мақолларимизнинг мағзини яхшироқ чақайлик. "От бошига иш тушса, сувлиғи билан сув ичар, Эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар". Ушбу мақолнинг тўртдан бирини атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг "Эр бошига иш тушса" номли машҳур биринчи романи орқали жуда яхши биламиз. Лекин бутун мақолнинг туб моҳиятини тўғри англаб етишда бу асар номи ва ё "Маънолар махзани" китобида келтирилган "Сувлиқ — юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми" деган биргина гап етарли эмас, албатта.

Менингча, мақолнинг аввал тўғри, сўнг кўчма маъноси бирин-кетин шарҳланса тўлиқроқ бўлади. Одатда отнинг бемалол сув ичиши учун унинг оғзидан сувлиғи олиниши, эр киши сувга тушишдан аввал этигини ечиши керак. "Сувни кўрмай, этик ечма", деган мақолда ҳам шунга ишора қилинади.

Она тилимизда "сувлиқ" сўзи билан бир қаторда "синчи", "сайис", "ўтарчи" сингари сўзлар, шунингдек, "От минганники", деган энг қисқа мақол ҳам борки, улар ўзбек халқининг от билан муомала кўникмасини яна-да ёрқинроқ кўрсатиб турибди. Биз бугунги кунда "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма" мақолини кўп ишлатамиз, лекин отни синчиклаб синайдиган синовчи одамнинг "синчи" деб аталишини билиб-билавермаймиз. Уй жониворлари, биринчи галда отни хасталанганида даволовчи шифокор эса бугунги кунда "мол дўхтири" ва ҳатто "зоотехник" деб аталади, холбуки ота-боболаримиз бу касб-кор эгасини "ўтарчи" деб атаганлар.

"От сирини ўтарчи билади" мақолида шунинг учун ҳам "синчи" ва ё "сайис" сўзи эмас, айнан "ўтарчи" сўзи қўлланадики, бу касб эгаси отнинг ички аъзолари ҳолатини синчи, сайис, зоотехник ва ҳатто зоолог олимдан ҳам яхшироқ биладиган ўта ноёб қобилият эгасидир. Жой номлари билан боғлиқ туркий сўзларнинг туб луғавий маъноларини ўрганган таниқли географ олим Суюн Қораев: "Ўтарчи сўзи қадимий туркий тилда "вақтинча яшовчи" (кўчманчи) маъносини англатган. Бу сўзнинг "Синчи", "От табиби" деган маънолари ҳам бор", деб кўрсатган. Отнинг "тилини биладиган" одамлар таърифланувчи синчи, сайис ва ўтарчи каби сўзларга нисбатан отнинг ўзи аталувчи сўзларимиз, табиийки, бир неча баравар кўпроқ. Масалан, қулун (бир ёшгача), той (икки яшар), ғўнон (уч яшар), дўнон (тўрт яшар), тўлон (беш яшар), бўз (кўкка мойил оқ рангли от), саман (сарғиш от), тарлон (ола-тарғил, чавкар от), тўриқ (қора қизил, тўқ жийрон от), жийрон (қизғиш малла от), бурноч (пешанасида қашқаси, бурни учида оласи бор от), йўрға (тез ва равон юрадиган от), бедов (учқур, ўйноқи от), арғумоқ (зотдор, чопқир от), тулпор (наслдор, чопқир, учқур от), югуртук (чопқир от), тўбичоқ (чопқир от), қирчанғи (кўтир ва ориқ от), айғир (бичилмаган эркак от), байтал (урғочи от, бия), қорабайир (танаси қисқароқ, бели текис ва кенг от зоти)... "От" деган жониворнинг бундай ўнлаб номлари борлигини қай ёзувчи қанчалик билади-ю ўз асарларида қанчалик унумли қўллайди?

Халқ достонларидаги Алпомишнинг Бойчибори, Кўкалдошнинг Кўкдўнани, Гўрўғлининг Ғиркўки каби отларнинг туб луғавий маъноларини яхши биламизми? Афсуски, кўпчилигимиз билмаймиз. Буни билиб олишда, айниқса, мақолларимиз бизга энг яқин, энг чаққон ва энг беминнат кўмакдошдир. Зотан, мақол шунинг учун ҳам "ҳикматли гап" дея таърифланадики, унинг кўпдан-кўп ҳикматларидан бири ўзида қадим туркий сўзларимизни эскиртирмасдан ва охори-кўрини тўкмасдан сақлаб туришида кўринади.

От ҳақидаги энг пурҳикмат мақолларимиздан яна бири "Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи"дир. Мақолнинг тўғри маъноси: "Итоаткор, тушунган отга бир қамчи урилса, у тўғри йўлга йўртади. Қайсар, анқов отга минг қамчи урилса ҳам у бўйсинмайди, тўғри йўлга юрмайди". Мақолнинг кўчма маъноси: "Яхши одамга бир сўз, ҳатто, бир имо-ишора кифоя қилиб, у ўзини ўнглаб олади. Ёмон одамга мингта сўз айтиб тушунтириш тугул, уришиб-урсангиз ҳам тузалмайди".

Қолаверса, бу ерда от деганда нафақат жонивор, балки одамнинг оти, яъни атоғига ҳам ишора бор. Ҳаётда шундай одамлар борки, бир танбеҳ эшитгач ё бир калтак егач, бундан тўғри хулоса чиқариб, тўғри яшаб яхши отга (номга) эришадилар. Шундай одамлар ҳам борки, уларга мингта танбеҳу калтаклар таъсир қилмай, эгри яшаб ёмон отлиқ бўладилар. Бу мақолга мазмунан яқин мақол юқорида айтилган китобда келтирилган: "Яхши отга қамчи керакмас, яхши қизга совчи керакмас". Хуллас, бу оламда ҳам одамга энг содиқ йўлдош, ҳам "паридан урчиган" дея таърифланувчи кўркам жонзот, ҳам энг кучли ҳайвон от ҳисобланади. Шунинг учун, масалан, бизнинг замонавий йўлдошларимиз — бири-биридан гўзал ва учқур автоуловларнинг кучи от кучи билан ўлчаниб, "отнинг калласидек юраги бор" деганда "кучли, довюрак" одам таърифланади. Она тилимизда "от" сўзининг ҳам ном (исм, атоқ), ҳам жонивор (ҳайвон, маҳлуқ) маъноларини англатиши ва бу сўзнинг "ота", "оталиқ", "отажон", "отабек", "отамурод", "отаназар" сингари кўпгина сўзларимизнинг, ҳаттоки рус тилидаги "отец", "отчество", "отечество", "отчизна" сўзларининг ҳам ўзаги экани, албатта, бежиз эмас.

Ўзбек тилидаги "От ўрнини той босар, Ота ўрнини ўғил" мақолида ҳам "от" билан "ота" сўзлари ўртасидаги мантиқий боғланиш аён кўриниб турибди. Нега мақолнинг биринчи сатрида, дейлик, "Эшак ўрнини хўтик босар" ва ё "Ҳўкиз ўрнини бузоқ босар" эмас? Нега от отага, той ўғилга нисбат берилмоқда? Сабаби "ота" сўзи ҳам тулпор, ҳам исм маъноларидаги "от" сўзидан ҳосил бўлган. Қолаверса, бу ҳам ўзбек халқи ва умуман, туркий халқнинг отни нақадар суйиб ардоқлашига яна бир ёрқин далолат, дейиш мумкин.

Худди "от", "ота" ва "эв" сўзлари каби, "туя" сўзи ҳам туб луғавий маъноларга эга, албатта. Бу сўзнинг "туйғу", "туюқ", "туйнак", "туйнук", "туйғун", "туйқус" сингари "туй" ўзагидан ясалган не бир қадим туркий сўзлар билан ўзакдошлиги бежиз эмас. Зотан, туя энг туйғуга бой, туйғун-ҳиссиётли-серҳаяжон ва бу ҳиссиётлари туйқусдан жумбушга келадиган жонивор, кеч кузда совуқ егач етиладиган қовун — туйнакдек пишиқ ва чидамли... Хуллас, "туя" сўзи фақатгина туркий халқларда мавжуд шеърий жанр — туюқдек тагмаъноси ғоят теран. Бугина эмас. Агар от — куч-қудрат тимсоли бўлса, туя — чидам, сабр-тоқат, улканлик-улуғворлик ва ҳатто чинлик-ҳақиқат тимсоли ҳисобланади.

Ўзингиз ўйлаб қаранг: туя уч ойгача ҳеч нима емай, бир ойгача сув ичмай юк кўтариб юраверади! Чидам, сабр-тоқат шунчалик бўладида! Бошқа қай бир жонзот шундай қила олади?! Ҳаттоки фил ҳам туядек кўп юк кўтара олмаслигига нима дейсиз! Одатда ўз кучига ҳаддан ташқари ишониб юбориш, айниқса, туяга ва табиатан туядек улкан одамлар — ботирлар, паҳлавонлар, алпларга қаттиқ панд бериб келган.

"Маънолар махзани" китобида атрофлича шарҳланган "Туя минг танга — мана минг танга, Туя бир танга — қани бир танга", "Туя минган узоқни кўзлар, Эшак минган — яқинни", "Туя тўпиғи ҳам тўпиқ, қўй тўпиғи ҳам — тўпиқ", "Туя устида қатиқ уйимас", "Туя элакка қолганда бўкирибди", "Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр" сингари бир қатор ҳикматли гапларнинг тагмаъноларини китобни ўқиш асносида ўзингиз уқиб олаверасиз. Биз бу ўринда мазкур китобда тилга олинмаган айрим мақолларга алоҳида тўхталмоқчимиз.

Туядек серҳаяжон, бардоши бениҳоя, ўзига ишончи мустаҳкам, улуғвор-пурвиқор жониворга фақатгина сичқон фириб бериб, унга тегишли ҳақни (мучалдаги йил отини) олғирлик билан илиб-ўзлаштириб олмаган, албатта. Рус тилида "Докажи, что ты не верблюд" ("Туя эмаслигингни исботлаб кўр-чи!") деган пурҳикмат ибора бор. Иборанинг мантиқий асоси шундаки, бу оламда туяни айблаб ёмонотлиқ қилишдан осони йўқ! Ўзбек халқининг: "Туянинг каттаси кўприкда таёқ ейди" мақоли ҳам аён кўрсатиб турибдики, туянинг каттаси — катта туя, Қоранор унча-мунча кўприкка, ўткал билан кечувга, айниқса, майда кимсаларнинг торгина юрагига сиғавермайди-да! Катталик (улканлик, улуғворлик) аслида фазилатку-я, бироқ уни фазилат эмас, нуқсон, камчилик, айб деб талқин қилишдан осони йўқ-да!

"Туя кўрдингми — йўқ! Ўрага сичқон тушди — гулдир-гуп!" — деган ҳикматли гап шу мақолнинг мантиқий давомига ўхшайди, лекин бадияти ундан-да юксакроқ мустақил асар! Ниҳояти саккизта сўздан тикланган бу муҳташам бадиият қасри... аслида, ҳикматли гапми, масалми, чистонми, нима бўлганда ҳам тагмаъноси теран, фалсафаси юксак, баайни Оқсарой билан Кўксаройдек олиймақом ва гўзал асар! У ўз қуввати, эстетик таъсир кучига кўра, Эзоп масалларидан ошса ошадики, зинҳор қолишмайди! Шоҳбайтнинг биринчи сатри кўролмасликнинг энг чеки-чегарасини аён кўрсатиб турибди! "Туя кўрдингми?" саволга "Йўқ" деб жавоб бермоқ учун одам боласи ё жисмонан сўқир-кўрмас, ё руҳан кўролмаслиги керак! Буниси ҳали ҳолва! Ана ўша кўролмас ўзи қазиган чоҳми-ўрага, аслида, ашаддий рақиб деб билгани туянинг йиқилганини аниқ-равшан кўриб, ичидан суюниб турган бўлса-да, сир бой бермай, "Йўқ, ўрага туя эмас, сичқон тушди!" деб ўз ёлғонига ҳаммани ишонтиришга зўр бериб уринса, бунисига нима дейсиз! Лекин ўра тубидан қулоқларга аниқ эшитилаётган "гулдир-гуп" деган овоз, аслида, унга сичқон эмас, туя тушгани — атайин қасддан туширилганини англатиб турибди-ку!

"Бақироқ туянинг бори яхши, Бақириб тургани ундан яхши", деган мақолимизда шунчаки энг катта уй ҳайвони бўлган туягина эмас, айни чоғда, ўғил-қизлар ва келин-куёвлар билан невара-чевараларга ўзининг ҳаётий тажрибасини ўргатиб, ҳар қадамда овозини баландлатиб бўлса-да, уларга йўл-йўриқ кўрсатаётган ёши улуғ ота-она-ю бобомомолар ҳам назарда тутилади. Ўзбек элининг феъли-ю тилини мана мен деган элшунос ва тилшунос олимлардан пухтароқ билган Миртемир домланинг энг кўп қўллаган сўзлари "бўтам" билан "қулуним" бўлгани бежиз эмас, албатта... Мана шу саналган аломатлар ҳам нима учун ўзбек халқи уй ҳайвонлари орасида, айниқса, от билан туяга алоҳида меҳр билан қарашининг асл сабабларини аён кўрсатиб турибди.

Сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, жаҳонга машҳур адиб Чингиз Айтматов феноменини дунёга келтирган ташқи ва ички омиллар хусусида ўйлар экансиз, уларнинг энг бирламчиси адибнинг ҳайвонот оламига, айниқса, от билан туяга алоҳида меҳри, деган тўхтамга келасиз. Шу меҳр сабаб бўлажак адиб бошқа бирон соҳага ва ҳатто ёзувчиликка ҳам эмас, айнан зоотехникликка ўқиган-да! Агар бу ёзувчи зоотехник сифатида олий маълумотга эга бўлмаганида, оламшумул "Оқ кема" қиссасидаги шоҳдор буғудан бошлаб, то сўнгги романи "Қулаётган тоғлар (Мангу қайлиқ)"даги қорли чўққилар қоплони Жаабарсга қадар бутун бир туркум ҳайвонлар дунёсини бу қадар ҳаққоний, жонли, таъсирчан тасвирлай олмаган бўлар эди, албатта. Улар орасида, табиийки, "Алвидо, Гулсари" қиссасидаги от Гулсари (Бойчибор!) билан "Бўронли бекат" романидаги туя Қоранорнинг кечмиш-кечирмишлари, айниқса, куйинаётган от билан куйиккан туянинг ҳолатлари тасвири баайни Дилҳирож ва Чўли Ироқ куйларидек ўзининг сеҳрли оҳанги билан алоҳида ажралиб туради.

Биз назардан ўтказган саноқлигина мақоллар бир ҳақиқатни кўзга аён кўрсатиб турибди: агар от "Яхши йўлдош билан етарсан муродга" мақолида таърифланган яхши йўлдош ва содиқ дўст, гўзаллик ва куч тимсоли бўлса, туя сабр-тоқат, қудрат ва улканлик-улуғворлик билан бир қаторда чин ҳақиқатнинг ҳам тимсоли ҳисобланади.

## ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

### ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА КИНОТЕАТР



**Америка Қўшма Штатларида кинотеатрлар ўз фаолиятини янгича кўринишда бошладилар.**

Энди кинофильмлар кино залларида эмас, очиқ майдонларда намойиш этила бошланди. Ана шундай кинотеатрлардан бири Виржиния штатидаги Стивенсон шаҳрида фаолият бошлади.

— Биз 1 майдан иш бошладик. Қаторлар ораси 2 метр, ўриндиқлар дезинфекция қилинган, чипталар фақат онлайн тарзда буюртма қилинади, — дейди кинотеатр раҳбари Жим Копп. — Бу ўз вақтида бизнинг ва томошабиннинг муносабатини тубдан ўзгартирди.

Унинг сўзларига кўра, томошабинлар тезда пайдо бўлган ва кундан-кунга кўпаймоқда. Катталар учун чипта нархи — 7, кичик ёшдагилар учун эса — 3 доллар туради. Ушбу мураккаб вазиятда кинотеатр эгаси ҳеч қандай режалар тузмаяпти. У яна оддийгина иш кунларига қайтишни кутяпти, холос.

### ИСРОИЛ КЎЧАЛАРИДА НИҚОБСИЗ ЮРИШ МУМКИН



**Исроил Соғлиқни сақлаш вазири Юлий Эдельштейн кўчада ва жамоат жойларида ниқоб тақиш ҳақидаги қарорни юқори ҳаво ҳарорати сабаб бекор қилди.**

"Албатта, коронавирусдан ҳимояланишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Бироқ юқори ҳароратли жазирамадан ҳимояланиш ҳам муҳимдир" — деди Ю.Эдельштейн Твиттердаги саҳифасида.

Исроил педиатрлар ассоциациясининг иссиқ ҳаво ҳароратида ниқоб тақмаслик ҳақидаги мактубидан кейин ушбу қарорга келинди. Бу қарор 26 майга қадар ҳаракатда бўлади. Исроилда кейинги кунларда +40 даража ҳаво ҳарорати кузатилмоқда.

### КУЧЛИ ДЕНГИЗ ШТОРМИ

**Бангладешда аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда**



**Бангладеш ҳукумати 2 миллионга яқин одамни "Ампан" циклони яқинлашаётганлиги сабабли хавфсиз ҳудудларга кўчира бошлади.**

19 туманда инсонлар ҳаёти бўйича қутқариш ишлари олиб борилмоқда. Метеорологларнинг айтишича, шамолнинг тезлиги соатига 225, ҳатто 245 километрга чиқиши мумкин.

Ҳукумат Монгла ва Пайра денгиз портларини хавфлилик даражаси бўйича 7 — циклонда рақамлади. Бангладешда ҳаммаси бўлиб 11 хавфли ҳаво циклони мавжуд. Ушбу қаттиқ шамол 20 май куни Бангладеш денгиз соҳилларига етиб келиши кутилмоқда.

### ХОРВАТИЯ САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА



**Хорватияда сайёҳлик мавсуми қайта жонлана бошлади. 11-17 май оралиғида Хорватияга 8,7 минг сайёҳ ташриф буюрган. Ҳозирча асосий сайёҳлар маҳаллий аҳолидан иборат, 15 фоиз меҳмонлар эса Словениядан келишган.**

Хорватия сайёҳлик агентлиги икки йўналишда хорижлик меҳмонлар учун реклама турларини ишлаб чиқди. Биринчиси — Марказий Европа мамлакатлари учун мўлжалланган бўлиб, буларга Словения, Венгрия, Германия, Польша, Австрия, Италия, Словакия, Чехиялар киради. Улар шу йилнинг ўзида Хорватиядаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариши мумкин. Иккинчи йўналиш узоққа мўлжалланган бўлиб, буларга АҚШ, Хитой, Жанубий Корея мамлакатлари киради. Бу мамлакат сайёҳлари эса пандемия тугагандан кейин Хорватияга таклиф қилинадилар.

### ФРАНЦИЯДА МАКТАБЛАР ҚАЙТА ЁПИЛДИ



**Франциянинг Рубе шаҳридаги мактаблардан биридаги бир нафар ўқувчининг коронавирусга қарши топширган тести ижобий чиққач, ушбу ҳудуддаги 8 мактаб қайта ёпилди.**

Ҳали фақат мактабларда бошланғич синф ўқувчилари учун дарслар бошланган эди. Кейинги текширувларга кўра эса ўқитувчи ва ўқувчилардан 70 нафарида коронавирус инфекцияси аниқланган.

Энг охирги маълумотлар бўйича шу кунга қадар Францияда 179 927 одам COVID -19 касаллиги билан касалланган. 28 239 бемор оламдан ўтган, 61 728 киши ушбу касалликдан тузалган.

### РЕКОРДСМЕН БАЛИҚ



**37 яшар балиқчи Брайн Бим рекорд оғирликдаги оқ горбил балиғини тутган.**

У Калифорния штати яқинидаги Дейн-Пойнт шаҳри яқинидаги портда 45 сониялик курашдан сўнг 36,3 килограммлик балиқни ушлашга эришган. Шу пайтгача горбил балиқ турларидан 34 килограммгача бўлган вазнда балиқ тутилган. Бимнинг таъкидлашича, у ҳеч қачон оқ горбил тутмаган, бу унинг оқ горбилга қўйилган илк овидир.

Олдинроқ хабар берилганидек, Миннесота штатида одам бўйи баравар чўртанбалиқ ушланган. Табиат ресурслари бўйича маҳаллий департаментнинг қайд этишича, бу инсоният тарихидаги энг узун чўртан балиқдир.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


Гурлан туманидаги „Суҳроб дизайн қурувчи" МЧЖ жамоаси
барча юртдошларимизни муборак арафа кунларида
саодатли ва шафоатли айём –
РЎЗАИ РАМАЗОН
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.
Азиз ватандошларимизга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик, ризқ-насибали турмуш
насиб этган ҳолда она диёримизнинг тинчлиги,
фаровонлиги янада юксалишига тилакдошмиз.


Урганч шаҳридаги "Урганч қурилиш бетон" МЧЖ жамоаси
Азиз ҳамюртлар!
Сизларни яқинлашиб келаётган
РАМАЗОН ҲАЙИТИ
билан муборакбод этамиз.
Ҳар бирингизнинг хонадонингизга қут-барака,
осойишталик, битмас-туганмас шодликлар тилаб қоламиз!
Қутлуғ ойда қилинган эзгу амалларимиз йил давомида
бардавом бўлиб, бизни гўзал ҳаёт сари йўлласин!
Рамазон Ҳайити қутлуғ ва хайрли бўлсин!
Реклама ҳуқуқи асосида

## ЁДНОМА

# ОТАМ ОВЧИ ЭДИ

**Отам Раҳим Бекниёз 1920 йилнинг 5 апрель куни Хоразмнинг Боғот туманидаги Масъуд деган ўрамда туғилган. Бу жой ҳозир Кулонқорабоғ деб аталади. Етти йиллик тўлиқсиз мактабни битириб янги тузилган колхозда ишлай бошлаган.**

Хат-саводи бўлгани учун уни табелчиликка қўйдилар. Табелчи колхозчи-деҳқонларнинг кундалик меҳнатларини хатлаб, иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиб борар экан. Иш ҳақи пул билан тўланмасди, бир меҳнат кунига бир товоқ атала, учта нон берилган. Баъзан, меҳнат кунига яраша буғдой берилган. Совет ҳукумати тугаб кетишидан аввал ҳам колхозчиларга иш ҳақи ҳисобидан бир-икки қоп ун, ўн-ўн беш килограмм пахта мойи бериларди. Ювошгина халқимиз тонгдан шомгача қора терга ботиб ишласа ҳам қора қозонини аранг қайнатарди: “Нега деҳқоннинг бири икки бўлмайди-я, Раймжон?” деб энди мурти сабза урган табелчига тақдиридан нолиб қўйишар экан одамлар.

Отам Хивага бориб ҳисобчилар курсида ўқиб қайтади. Кейин Урганчда очилган муаллимлар олий ўқув юртида таҳсил кўради. 1940 йилда узоқроқ қариндошининг бўй етган қизига уйланади. Ёш оила бахтли ҳаёт кечира бошлайди.

1941 йилда Иккинчи жаҳон уруши бошланади. Ёппасига сафарбарлик эълон қилингандаёқ отам дарҳол фронтга отланади; қишлоқда юриб беиз йўқолиб кетгандан кўра, қўлда қурол билан ёвга юзма-юз келишни афзал кўради...

Кейинчалик отам таниқли ёзувчи бўлиб кетгач, Тошкентнинг Қибрай гўшасидаги Дўрмон ижод боғида ҳар йили бир-икки ой яшаб, ижодий ишлари билан машғул бўларди. Ўшанда отамга тенгдош бўлган атоқли ёзувчиларимизни падарим даврасида кўп учратардим.

Умрининг охирларида отам “Армонли дунё” қиссасини нашр эттирди. Бу бадиий-тўқима китоб бўлсада, аммо кўп жиҳатдан ўзининг бошидан кечирган ҳаётий воқеалар қоғозга туширилган. Айниқса, уруш туфайли дарз кетган тақдирлар бир умр унинг ҳам қалбини ўртаб келган. Қисса гўё сир-синоатлар бошоғидан тўкилган қатраларга ўхшайди. Китоб чоп этилиши арафасида нашриёт буюртмаси бўйича “ички тақриз” ёзиб берган мунаққид Абдуғафур Расулов: “Бадиий асарда воқеа бирламчи эмас, характернинг ёритилиши, унинг ўсиб бориши муҳим. Қисса мазмуни англашилиб қолган. “Муқаддима”дан сўнг китобхон асосий қаҳрамон характерининг очилишини, асар сюжетида янги муаммо, йўналиш пайдо бўлишини кутади”, деб фикр билдиради. Бу гапларда қисман жон борга ўхшайди. Қайси маънодаки, “Оҳ, Раъно, Раъно! Ўзинг ўзингга содиқ қололмадинг-а!” деган хитоб ёзувчининг юрагидан отилиб чиққан дард-алам эканлиги яққол сезилиб туради, бироқ...

Уруш тамом бўлганидан кейин ҳам отам яна бир йил Шарқий Германияда шўро армияси таркибида қолади. Ярадор бўлади, даволанади. Уруш туфайли баданида жароҳат излари қолади, тиғ тегиб бўлмайдиган жойига ўрнашиб олган осколкалар отамга бир умр ҳамроҳ бўлади; фасл алмашадиган пайтларда осколкалар ўзининг борлигини билдириб қаттиқ оғриқ бериб турарди (*шоир Матназар Абдулҳаким отамга бағишлаган “Ветеран” шеърида уруш жароҳатининг жонли манзарасини яратиб берган*). Хуллас, отам 1946 йилда урушдан қайтади. Уруш рахна солган эски оиласи билан ажрашиб, тўнғич қизини ўзи билан олиб қолади. Тумандаги учтўртта мактабда ўқитувчилик қилади, директор ҳам бўлади. 33 ёшида янги ҳаётини бошлайди; ўқиб юрган йиллари танишгани — тил ва адабиёт фани бўйича бўлажак муаллима — қизга уйланади. Келин-куёв бир умр бахтли ҳаёт кечириб, ували-жували бўлади.

Қирқ ёшида “Биринчи учрашув” шеърий тўплами чоп этилди. Сўнг “Овчининг куйлари”, “Мовий тўлқинлар” каби шеърий китоблари босилди. Аммо у шоир сифатида эмас, ёзувчи-ношир бўлиб элга танилди. Ёзувчи бўлганида ҳам овга ихтисослашган ёзувчи ўлароқ ном чиқарди.

Одамлар овчиларни балиқхўр ёки гўштхўр деб ўйласа керак. Тўғри-да, ҳафталаб кўл бўйларида ётиб юриб, омонат капаларда пойлоқчлик қилиб ов қиладиган ва қирғовул, тустовуқ, каклик, ўрдак отиб келадиган серзавқ инсон қозонни тўлдириб гўшт қовуриб роса еса ҳам биров ажабланмайди. Бироқ, ҳақиқий туғма овчилар гўштга ҳам, баликка ҳам ўч бўлмайди. 1966 йил 2 январь санаси қўйилган “Ҳаво магистрали” деган овчи ҳикоясида отам: “Мени ўрдакхўр, дейдиганлар ҳам янглишади. Йўқ, мен ўрдакхўр эмас, табиат ва ажойиботлар дунёсининг мафтуниман! Бутун овчи халқи шундай ўзи”, деб ёзган эди. Ўшанда бир мучалга энди қадам қўйган эканман, отам эса 46 яшар роса кучга тўлган вақти бўлган. Отам қўлига қурол олган вақтларида энди мўйлови чиққан бўз йигит бўлса, қўлига қалам олганида ақли тўлган мустақил шахс эди. Урушни кўрган инсонлар учун ов жараёни мароқли, ов жараёнидан олам-олам завқ олади. Отам табиат қўйнида дам олиб қайтиш учун овни ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириб олган эди. Оиламиз аъзоларидек бўлиб қолган иккита овчи итимиз у кишига доим ҳамроҳ бўларди.

Отам машҳур рус ёзувчиси И.С.Тургенев изидан бориб “Овчи ҳикоялари” туркумини яратишга астойдил киришган эди. Ниҳоясига етмай қолган янги ҳикоясини отам бундай бошлайди: “Ҳа, бу гал ёлғиз ўзим кетдим. Тўқайга етиб келгач, велосипедимни таниш кулбада қолдирдим-да, ҳувиллаб ётган пахта далалари орқали рўпарада кўриниб турган қамишзор томон жўнадим...”

Табиат оралаб юрадиган одам бориб-бориб жониворларга меҳрибон бўлиб қолар экан. Отам паррандадаррандаларга кесак ҳам оттирмасди. Ўзи милтиқ отиб уларни ов қиларди-ку, деб сўрашингиз мумкин. Ов пайтида ҳам ҳар қандай ўлжага ўз жонини сақлаб қолиши учун баробар имконият берилиши керак, деб ҳисобларди. Бу нима дегани? Масалан, қуён овламоқчисиз. Аввало, нима қиласиз? Ёввойи қуёнлар кўп яшайдиган жойни излаб топасиз. Кейин излари орқали улар юрадиган сўқмоқларни аниқлайсиз. Сўнг қулай жой топиб, милтиқни ўқлаб пойлаб ётасиз ва нишонга тўғри келиб қолган қуённи отиб оласиз. Буни ҳалол ов дейишади. Ғирром ов қанақа бўлади? Тунда мотоцикл ёки енгил машинада қуён кўп яшайдиган жойга борилади ва пайт пойлаб туриб бирдан нақлиётнинг кучли чироқларини ёқиб юборасиз: қуён кучли ёруғликка ўрганмагани учун турган жойида довдираб қотиб қолади; бирор ёққа қочиб кетолмайди. Яъни, сиз уни жонини сақлаб қолиш имкониятидан маҳрум қилиб қўясиз. Овчилар буни ғирром ов дейишади. Қолаверса, сувга заҳарли модда ташлаб ёки кучли электр қуввати орқали балиқларни карахт қилиб овлаш ҳам ҳалоллик ҳисобланмайди. Ҳатто, тўр ташлаб балиқ тутиш ҳам овчилар орасида мақтанадиган машғулот эмас.





Отам мени баъзан овга олиб борарди. Тўқай оралаб кетаётганимизда: “Шурик, оёқларинг остига қараб юргин, ўғлим, тағин чумолиларни нохос босиб олмагин!” деб огоҳлантирарди. Дастлаб, отамнинг гапини эшитиб ростакамига ажабланганман. Кейин чумолилар ҳаётига бағишланган “Ушоқ полвон” номли ҳикоясини ўқиб билдимки, отам СЎЗИ билан АМАЛИ бир бўлган собит инсон экан.

1990 йилнинг февраль ойида отамни енгил машинамизда ўзи туғилган қишлоққа таъзияга олиб бордим. Йўл-йўлакай: “Ўғлим, бу гапни гапирмаслигим керак эди-ю, майли, билиб қўй деб гапираман-да. Ҳозир биз бораётган хонадон эгаси урушдан олдин олти кишидан иборат гаштакчи жўралар даврасида НКВД терговга чақирмаган битта вакили бўлган, иккинчиси мен эдим. Урушга кўнгилли бўлиб шошилинч жўнаб кетмаганимда НКВД чангалидан барибир омон чиқмасдим... Оғзаки “дебсан-дебсан” туфайли не-не азаматларнинг ёстиғи қуриган-а... Тўртта бегуноҳ жўрасининг бошини еган айғоқчи бугун сартахтага тортилади. Ўн гулидан бир гули очилмасдан увол бўлиб кетган жўраларининг юзига қиёматда қандай қарар экан-а!”, — деб муштумини оғзига маҳкам босиб олди.

Таъзияхонага етмасдан машинамни йўл четида қолдирдим. Сўнгра отамни қўлтиқлаб олдим; кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Қиёматда Аллоҳ даргоҳида олти дўст учрашувини кўз олдимга келтириб, мен ҳам отамга қўшилиб йиғлаб юборганман.

Отам 50 йил давомида номини ҳам бирор марта тилга олмаган сотқин-чақимчи жўрасининг таъзиясига барибир борган эди.

Умрининг охирларида отам давоси топилмаган дардга чалинди. Касал ётган пайтида оғир синовларни бошидан кечирди ва ниҳоятда мардона инсон эканини яна бир бора кўрсатди. Кейинчалик ўқиб билдимки, ўзбекнинг фидокор шоири Шавкат Раҳмон ҳам отам каби саратон дардига чалинганида: “Осмон тўла ҳаволар, фақат менга етмайди”, деган мисра ёзиб қолдирган экан.

> ИЧИМДАН НИМАЛАР ЎТАЁТГАНИНИ ОТАМ ҲАМ БИЛИБ ЁТАР ЭДИ, АЛБАТТА. У ҚОҚ СУЯК БЎЛИБ ҚОЛГАН ҚЎЛИНИ КЎТАРИБ ОЛИСЛАРГА ИШОРА ҚИЛИБ, БОЯГИ САТРЛАРНИ ЯНА КЎРСАТКИЧ БАРМОҒИ БИЛАН НИҚТАБ КЎРСАТДИ, ХАСТА ТОВУШДА: “ҚАБРТОШИМГА МАНА ШУ МИСРАЛАРНИ ЁЗДИРИБ ҚЎЯСАН, РАСМ ҚЎЙДИРМАЙСАН. ОҒИР МАРМАР БИЛАН ГЎРИМНИ БОСТИРИБ ҚЎЙМАЙСАН...” ДЕБ ВАСИЯТ ҚИЛГАН ЭДИ.

Матонатли зотлар руҳан фаол бўлар экан; охирги дамларигача ўйлашдан чарчамас экан. Отам дорилбақога қайтишидан бир ҳафта олдин имо-ишоралар билан қалингина кундалик дафтарини сўрайди. Ёзилажак асарларининг қораламалари қайд этиб қўйилган дафтарини ёстиққа суяниб ётганча синчиклаб кўздан кечирар экан, охири бир саҳифани топиб ўзи қачонлардир қоғозга муҳрлаб қўйган сатрларни қайта-қайта пичирлаб ўқиди ва нигоҳи билан мени ёнига чақириб, кўрсаткич бармоғини ниқтаб кўрсатди:

*Сизнинг сафингизда*
*йўқман, унутман,*
*Балки хокипойман,*
*буғман, булутман,*
*Руҳи саргардону*
*жисми нобудман,*
*Лекин сиз дунёда,*
*тирик томирман.*
*Армонли дунёда*
*умидвор умрим...*

Томоғимга муштдек зўлдир тиқилгандай бўлди. Кўзларимда ёш ҳалқаланди. Лабимни қаттиқ тишлаб оламан. Ичимдан нималар ўтаётганини отам ҳам билиб ётар эди, албатта. У қоқ суяк бўлиб қолган қўлини кўтариб олисларга ишора қилиб, бояги сатрларни яна кўрсаткич бармоғи билан ниқтаб кўрсатди, хаста товушда: “Қабртошимга мана шу мисраларни ёздириб қўясан, расм қўйдирмайсан. Оғир мармар билан гўримни бостириб қўймайсан...” деб васият қилган эди.

Падари бузрукворим дафн этилган мозористонда ота васияти бўйича камтарона қабртош қўйганмиз, унга ўзи ажратиб кўрсатиб берган ўша шеърий мисралар битилган.

1990 йилнинг 9 декабрида отам омонатини Эгамга топширди. Ҳа, падари бузрукворим вафот этганига ҳадемай ўттиз йил бўлади, лекин ҳалигача ишонгим келмайди. Йўқ-йўқ, охиратга ишонмай бўладими, ахир! Отамнинг ҳамма гаплари қулоқларим остида жаранглаб туради. У доим мендан ҳисоб сўрайди, ҳамма ишларимни назорат қилиб туради гўё.

Уни соғинганимда шахсий кутубхонасида ҳамон пештахтада турган ораста китобларидан бирортасини қўлимга олиб, дуч келган варақни очиб ўқий бошлайман: “Биз ўрмон томон кўндаланг кесиб ўтган сўқмоқ устида турардик. Ўша сўқмоқ бўйлаб гурс-гурс йўртиб келаётган эди тўнғиз...”

Табиат қўйнида юргандек ҳис этаман ўзимни, отам билан бирга овга чиққан кезларим кўз ўнгимда такрор жонланади: “Тирик томирим бор”, деб пичирлайман.

Армонли дунёда беармон яшаб ўтган инсон бормикан ўзи?..

**Шуҳрат БЕКНИЁЗОВ.**

## ШЕЪРИЯТ

# Юрагимга кирди-ку оқшом



**Наргиза АСАДОВА**

Наргиза АСАДОВА — 1984 йили Қуйи Чирчиқ тумани, Гул қишлоғида таваллуд топган. Тошкент давлат Маданият институтини ҳамда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсини тамомлаган.

“Ишқ остонаси”, “Юрагимнинг сарҳаддари”, “Настарин”, “Аталган кунлар” номли китоблари чоп этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

### Гулдарахт

*Ўтдан олиб сувга солдилар,*
*Ёнмоқ эди унинг қисмати.*
*Новдалари барқ урган эди,*
*Кураш эди асли тийнати.*

*Гуллаганди аллақачонлар,*
*Шамол тўкди тилакларини.*
*Айтишга-да улгуролмади,*
*Куз ҳақида эртакларини.*

*Юксалиб у кўкнинг тоқига,*
*Куйлар элтди ҳур япроқлари.*
*Кимга соя, кимга бошпана,*
*Дарахт эди ҳаёт чоғлари.*

*О, азалнинг кечмиши кемтик,*
*Чўқидилар бир кўзли зоғлар.*
*Кўрмадилар, кўролмадилар,*
*Гулдарахтни ҳаттоки боғлар.*

*Нур элаган офтоб биттадир,*
*Кўпдир аммо номсиз ўлкалар.*
*Бу очунга керак чамаси,*
*Тил-забонсиз сақов тўнкалар...*

*У куйлади токи ҳаётни,*
*Тирикликни, мовий самони.*
*Бир дарахтдек севаолди у,*
*Бужур юзли чиркин дунёни.*

*Кесишдилар, қўпоришдилар,*
*Ва боқдилар ёнишига жим.*
*Ё Раб, энди куйган оғочдан*
*Унган гулни кўрмасин ҳеч ким!*

*Гулниҳолни кўрмасин ҳеч ким!*

* * *

*Олдингда ёз*
*Ортингда аёз*
*Мувозанатни*
*Сақламоғинг шарт.*
*Ҳаётингни*
*Қилишса ўйин*
*Сен қандайин*
*Гул тутасан март*

*Мард кетасан март!*

* * *

*Бугун апрель*
*Негадир совуқ*
*Ишонсанг*
*Кеча ёғиб берди қор.*
*Баҳор-ку келган*
*Аммо ғамларинг*
*Кетмаяпти*
*Қиш каби мендан.*

*Ўрганиб қолмасам бўлди*
*изғиринларга...*

* * *

*Наҳот, шунча яшаб қўйдимми?*
*Наҳот, умрим боряпти тугаб.*
*Ортса ортди ғамлар кўксимда,*
*Мен кимнидир қўйдимми суяб.*

*Нигоҳларга боқдим,*
*Совидим,*
*Умр – дарз косада*
*Бол тутган Ҳайём.*
*Меҳрибоним, нега кечикдинг,*
*Юрагимга кирди-ку оқшом.*

*Биз оламнинг икки қутуби,*
*Дийдоридан айрилар ҳуши.*
*Агар бўлса икки дунёси,*
*Мен Юсуфнинг кўражак туши!*

*Ўнгдан келар тушлар-ку аммо,*
*Бу дунёнинг йўқдир Юсуфи...*

### Найман она ноласи

*Бошингдаги нима у ғавғо,*
*Ўтаяпти қара йилми, ой?*
*Орзу нима, ғам нима айт-чи,*
*Отанг исми билсанг, Дўнанбой.*

*Даштлар қолди*
*Дард сочиб,*
*Кўрган кунмиди шуям.*
*Уюринг борар қочиб,*
*Йўртгин тезроқ*
*Оқмоям.*

*Отинг нима, Манқуртман дема,*
*Телпагингни ечгин Жўломон.*
*Қайтсанг агар тўй қиламиз, тўй,*
*Юртинг бўлар энди эломон.*

*Бошингни чангаллама,*
*Алла айтайин*
*Тунлар.*
*Шу кунга*
*Солгунча, оҳ,*
*Жоним олсин малъунлар!*

*Юр кетамиз, юртинг Сариўзак,*
*Ўқни ташла, онангман-ку ҳой?!*
*Унутмагин... Кечирдим болам,*
*Унутмагин, отанг Дўнанбой.*

*Тулупин* кеб*
*Искаган*
*Бўтасиз*
*Бўз мояман.*
*Қулуним деб*
*Бўзлаган*
*Элда Найман онаман.*

*Юрак-бағри қонаман.*

* терисига похол тиқилган бўталоқ

* * *

*Тонгги вокзал...*
*Вақт ўтар секин*
*Кўзларимга қарамас биров.*
*Мен кетяпман,*
*кетяпман ахир*
*Юрагимдан силжийди улов.*

*Кимдир кулар,*
*гул тутар кимдир,*
*Туйғулардек оқар одамлар.*
*Кузатмоқ бу – энг гўзал удум,*
*Кетмоқ асли...*
*ўчмас қадамлар.*

*Гувиллайди,*
*қайтмайди поезд,*
*Қўл силкийди ким сўнгги дафъа.*
*Ёшларимга кетар қоришиб,*
*Кўзларимда*
*кечиккан шарпа.*

*Тонгги вокзал...*

* * *

*Бу кўчалар... адоғи борми?*
*Юрагингга элтар бекат-чи?*
*Талотўплар аро бесадо,*
*Ўтаяпман, хабаринг борми?*
*Ўнгим — соҳил, сўлим — оломон,*
*Чайқаламан якка кемадай.*
*Бу тўлқинлар бирам бераҳм,*
*Етказмайди, фақат сен томон.*
*Кимдир кулар, жилмаяр, ҳазил,*
*Кулмайди ҳеч тақдир дегани.*
*Кўзим гирён, кўзим гиргиттон*
*Кўринмайди сен кетган манзил.*

*Бу кўчанинг адоғи борми?*

* * *

*Қўлинг ишга бормаяптими?*
*Мук тушасан...*
*бир уюм қайдлар.*
*Хўрсинасан... титраб ўзини,*
*Елвизакка*
*уради хатлар...*
*Куйлайверар деразангда қуш,*
*Биз кўрмаган кунлар ҳақида.*
*Хира тортган, кўчалар туман,*
*Кўчаларда эски ақида.*
*Чизиқ тортдинг –*
*кунларинг қаро,*
*Кунлар қўяр – яшашдек шартлар.*
*Шундай ўтар эдик, бўлмаса,*
*Осмон тўла ёп-ёруғ хатлар...*

## ЭҲТИРОМ

**1960 йили Андижонда, зиёли оилада туғилган Баҳодиржон Раҳмонов болалигидан китобга, адабиётга меҳр қўйди. Мактабни битириб, Марказий Осиёдаги энг нуфузли олий даргоҳ – ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. У талабалик йилларидан Эркин Воҳидов ва машҳур рус шоири Сергей Есенин ижодининг чин мухлиси эди.**



# Ойга яқин юлдузлар

Йиллар ўтиб улар ижодининг ҳақиқий тадқиқотчисига айланди. У Сергей Есенин ҳақидаги “Муқаддасдир шоир деган ном” рисоласида рус ва жаҳон есениншунослигига оид адабиётларни янгича тамойиллар асосида таҳлил қилади. Б.Раҳмонов рисолани қайта-қайта ишлади, илмий мулоҳазалар шоирона рамзлар билан кўркамлашиб, тиниқлашиб бораверди, ҳар сафар тақдири фожиали якунланган, навқирон ва гўзал қалб яратган шеърий мўъжизаларнинг янги-янги қирраларини очди.

Бугунги кунда мазкур тадқиқотнинг буюк Эркин Воҳидовнинг фавқулодда ноёб истеъдоди туфайли ўзбекнинг севимли шоирига айланган Сергей Есенин ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қимматли асарлардан бири сифатида баҳоланаётгани бежиз эмас.

Маълумки, Эркин Воҳидов ижоди ҳақида жуда кўп илмий тадқиқотлар, адабий портретлар яратилган, мақолалар ёзилган. Албатта, машҳур шоир ҳақида бирор янги гап айтиш осон эмас. Б.Раҳмонов бадиий асар таҳлили шахс ва миллат маънавиятини шакллантириш воситаси эканлигига алоҳида эътибор беради. “Ҳаётимсиз, одамлар” китобининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда биринчи марта шоирнинг “Руҳлар исёни” достони буюк маърифатпарвар олим Абдурауф Фитратнинг “Чин севиш” ва “Ҳинд ихтилочилари” асарлари билан қиёсланади. Б. Раҳмонов бирор мавзу ҳақида ёзишдан олдин ўша давр манзараларини, ижодкорлар шахсиятини изчил ўрганади. “Ҳаётимсиз, одамлар” муаллифнинг кўп йиллик кузатишлари, фикр ва мулоҳазалари маҳсули бўлган, ҳар томонлама теран илмий мушоҳадаларга асосланган рисола.

Муаллиф Эркин Воҳидовни ҳам, Есенин асарларининг асл моҳиятини — уларнинг ҳам онгимизга, ҳам руҳиятимизга баробар таъсир этишини, ўзининг маърифий эстетик қуввати билан тафаккуримизни юксалтириб, қалбимизни нурафшон этишини меҳр билан тасвирлайди, аниқ, ишонарли мисоллар асосида илмий жиҳатдан исботлаб беради. Баҳодир Раҳмонов ҳар бир давр адабиёти ва адабиётшунослигини мунтазам кузатади, 35 йилдан бери Андижон давлат университетида кафедра мудири, декан, проректор лавозимларида ишлаб, устозларига эҳтироми, талабаларга меҳри, юксак нотиқлик санъати, зукколиги билан ҳамкасблари ва шогирдларининг ҳурматини қозонди.

Олимнинг Бишкекда чоп этилган “Эзгулик гулшани” китоби нафақат Ўзбекистонда, айни пайтда халқаро доирада ҳам ўзбек адабиётининг ютуғи ва эътирофи бўлди. Унинг мақолалари ажиб бир санъат, самимият, ҳарорат ва маҳорат билан ёзилганлиги учун ҳам қизиқиш билан ўқилади. Муаллифнинг шеъриятга ошнолиги, сўзнинг ҳарорати, тароватини, ички жозибаси-ю виқорини юрагидан ҳис қилиши сезилиб туради.

Олим “Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг “Ўзбек адабий танқиди тарихи” ўқув қўлланмаси, “Ғарб адабий танқиди тафаккури тарихи очерклари” (ҳаммуаллифликда) рисоласидан республика олий ўқув юртларида дарслик сифатида фойдаланилмоқда. Бу тадқиқотлар замонавий ўзбек танқидчилиги тизимининг шаклланиш тарихи ва тадрижий тараққиёти қонуниятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

У янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Баҳодир Раҳмоннинг “Ойга яқин юлдузлар”, “Муқаддасдир шоир деган ном”, “Вафо қисмати”, “Ҳаётимсиз одамлар”, “Форс тароналари”, “Эзгулик гулшани” номли китоблари ўзбек адабиёти билан бир қаторда қардош ва жаҳон халқлари адабиётини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтамоқда.

Баҳодир Раҳмонов Туркия, Қирғизистон ва Тожикистон университетларида ташкил этилган халқаро анжуманларда туркий халқлар адабиётига оид долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этиб келмоқда. Унинг маърузалари ўзининг юқори савияси, илмий фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Бугунги кунда Баҳодир Раҳмонов “Анъанавий фольклор жанрларининг ҳозирги аҳволи” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди.

Баҳодир Раҳмон — жилғалар учун катта уммон йўлини кўрсатиб бераётган, дурдона ва холис сўзлари қирғоқлардан тошиб кетаётган дарё, бир неча авлод адабиёт муаллимларига таълим берган донишманд устоз, мактаб яратаётган заҳматкаш олим. Ижодкор юрагини англашга, қадимий фольклорнинг сирли ва сеҳрли ички овозларини эшитишга, боқий оҳанглар қатига яширинган маъноларни илғашга интилаётган, ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгулик йўлида мудом изланаётган серқирра ва сермаҳсул олим. Баҳодир Раҳмоновни 60 ёшга тўлиши билан муборакбод этар эканмиз, унга фароғатли умр, улкан илмий-ижодий ютуқлар тилаймиз.

**Ҳулкар ҲАМРОЕВА,**
**филология фанлари номзоди,**
**Минҳожиддин МИРЗО,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## СИНОВЛИ КУНЛАР




**Сир эмас, коронавирус пандемияси дунёдаги деярли барча давлатларни ташвишга солди, офат келтирган оқибатларни эса ҳамма кўриб, ҳис этиб турибди. Айтмоқчи, “Evronevs” ахборот агентлиги ўзининг сўнгги маълумотларида коронавирус пандемияси билан жаҳоннинг беш миллионга яқин аҳолиси касалликка чалингани ҳақида маълум қилди.**

Афсуски, “тожвируси”ни даволаш учун ҳалигача вакцина топилганича йўқ. Дунё халқлари ҳали-ҳамон азият чекишаяпти. Шунга қарамай, гарчи ушбу пандемия мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган бўлса-да, давлатимиз раҳбарияти томонидан вақтида олиб борилган чора-тадбирлар, амалиётга киритилган карантин қоидалари ўз самарасини бераётганини касалланиш ва ўлим ҳолатлари энг паст даражада эканлигидан ҳам билсак бўлади.

Буни Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Жаҳон стандартларидан келиб чиқиб, берилган қўшимча тавсияларга асосан олиб борилаётган даволаш тизими амалда ижобий натижа берди.

Яқинда бўлиб ўтган онлайн анжуманида Ўзбекистон ва Германия тиббиёт муассасалари раҳбарияти, шифокорлар ва вирусологлар иштирок этишди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «OPASCA German Oncology Solutions GmbH» компанияси ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуман иштирокчиси Доктор Фредерик Венц: “*Ўзбекистонда вирусга чалинганлар кўп эмас. Аммо Ўзбекистон ҳукумати томонидан қатъий тадбирлар амалга оширилди. Буни мен юқори баҳолайман. Карантин ҳолатининг жорий қилиниши, автоуловлар ҳаракатининг тартибга солиниши, ҳудудлардаги чекловлар, санитар-гигиеник талаблар, албатта, яхши натижа келтирди. Беморларнинг деярли барчаси соғайиб чиқаётганини эшитиш эса ўзбек шифокорларининг ҳақиқий жасоратидир*”, — деди.

Бундай эътирофлар нуфузли халқаро ташкилотлар, халқаро экспертлар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳам айтилмоқда.

Айни шу кунларда ҳам Яратганга шукр, юртимизда касалланганлардан кўра, соғайганлар кўпчиликни ташкил этиб, хавфли вирусга чалиниш ҳоллари янада пасайиши кузатилаяпти. Сўнгги пайтларда касаллик аниқланаётганларнинг барчаси карантинга олинган аҳоли ҳисобидан, карантин зонасидаги ёки стационар ҳолатда даволанаётган назоратдаги беморларда аниқланаяпти, холос.

Маълумки, Тошкент вилояти пойтахтга яқин ҳудуд ҳисобланиб, юртимизга кириб келадиган божхона постлари мавжуд. Ҳар бир постда белгиланган тартибда назорат ишлари ташкил этилган ва куну тун иш олиб борилаяпти. Бу ҳам касаллик кириб келишининг олдини олишда катта аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Президентимиз ташаббуси билан Юқори Чирчиқ туманида 13 минг ўринли вақтинчалик карантин полегони ташкил этилди. Шу билан бирга, Зангиота туманида 2 минг ўринли махсус стационар шароитда даволанадиган комплекс ишга тушиш арафасида турибди.

Ҳозирги пайтда Тошкент вилоятида 245 нафар кишида коронавирус касаллиги аниқланган бўлиб, 137 нафари тўлиқ соғайди. Улар тиббий реабилитация ва яшаш манзилларига кузатилди. Юқори Чирчиқ полегонида назоратга олинган 9 минг 780 нафар фуқароларга Тошкент вилоятининг кичик ўрта тиббиёт ходимлари, дизенфекторлар, бошқа хўжалик ишларидаги ишчи-ходимлар фидокорлик билан хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда, Тошкент вилоятининг тиббиёт соҳасидаги жамики ходимлари ҳам инфекцияга қарши, бир ёқадан бош чиқариб кураш олиб боришмоқда. Тиббиёт ходимларимизнинг Гиппократ қасамёдига содиқ қолиб, ҳаётларини хатарга қўйиб касалликнинг олдини олиш ва уни бартараф этишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётганидан хурсандмиз. Шунингдек, давлатимиз томонидан уларнинг меҳнати эътибордан четда қолмаяпти. Давлатимиз томонидан қўшимча 6 фоизли рағбатлантириш маблағлари билан таъминланаяпти.

Албатта, тиббиёт ходимлари билан бир қаторда биринчи сафларда хизмат қилаётган Ички ишлар, Миллий гвардия хизмати ходимлари, ҳокимият йўналишидаги барча мутасаддилар фаолиятини эътироф этган ҳолда маърифатли халқимизнинг ўзи ҳам карантин қоидаларига амал қилиб, бу дардни енгишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Қолаверса, карантин даврида аҳолининг уйда қолиши ва уй шароитида шахсий гигиена талабларига амал қилишининг ўзи фуқароларимизнинг тезроқ бу касалликдан қутулиши, аҳолининг бутунлай соғайиб кетиши учун жуда катта кўмак вазифасини ўтаётир.

**Тўрақул АРЗИҚУЛОВ,**
**Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи,**
**тиббиёт фанлари доктори.**

## ТАРБИЯ

Дарҳақиқат, “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бор. Дейлик, мусича тўртта чўпни бир-бирига қалаб уя қуради, бу уяда қўйган тухуми турмайди. Худди шундай, буни кўрган, билган боласи ҳам илинибгина турадиган уя қуради.




Аммо қалдирғоч оғзида лой олиб келиб, уни пишитиб, худди наққошдек териб, уй қуради. Ҳатто, лой ёрилмасин деб орасига хас-чўп ҳам қўшади. Тарбия ана шундай мукаммалликни талаб этади. Тарбиянинг бирор бўғинида узилиш бўлса, бола руҳиятида дарров сезилади.

Ҳар мавжуд манбада моҳият бўлгани каби, тарбиянинг мустаҳкам илдизи ота-онанинг маънавияти, савияси, тарбия кўрганлигидан барг чиқаради. Илдиз қанча мустаҳкам бўлса, у баланд ўсади ва ёнлаб тўлишиб боради.

Баъзан ўйлаб қоламан, бир дарахт шохини ёриб, бошқа бир дарахт навдаси пайванд қилинса, у ҳам ўсади, мева қилади. Аммо энди унинг меваси уруғига тортмаган, беўхшов бўлиб пишиб-етилади. Сабаби маълум: пайванд қилинган новданинг илдизи йўқ. Худди шундай, бола тарбияси билан ўзи шуғулланмай, ўзгага топшириб қўядиган ота-оналар фарзандидан келажакда қандай “ҳосил” кутади?..

Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандига ундай қилма, бундай қил, китоб ўқи деса-ю ўзи шу ишни қилмаса, боласи ҳам “хўп” дейдида, аммо амал қилмайди. Чунки тарбиянинг илдизида бўшлиқ бор.

Кўпинча “ёшлар ўзгариб кетяпти, юриш-туриши, кийиниши, муомаласида нуқсон бор”, деб нолиб қолишади. Тўғри, ёшлар ўзгарди, балки бунга ўзимиз айбдордирмиз, буни ҳеч ўйлаб кўрмаймиз.

> ОТАСИНИ ЧАҚИРДИМ. “НИМА ГАП”, ДЕДИ. МЕН БЎЛГАН ВОҚЕАНИ АЙТДИМ. ШУНДА У ЎҒЛИНИ ЧАҚИРИБ: — БОР ЎҒЛИМ, ЁН ЧЎНТАГИМДАН ЎН МИНГ СЎМ ОЛИБ ЧИҚ! МАНА БУ АМАКИНГА БЕРИБ ЮБОРАЙЛИК, — ДЕСА БЎЛАДИМИ. МЕН УНГА: — СУФ-ЭЙ, СЕНДАЙ ОТАГА! — ДЕБ ҚАЙТИБ КЕТДИМ. У БУГУН БОЛАСИГА НИМАНИ ЎРГАТДИ? ЭРТАГА БУ БОЛА КИМ БЎЛАДИ?

Қўшним ҳовлисининг эшиги олдини тозалаб райҳон, турли анвойи гуллар экканди. Кўрган кишининг баҳри-дили очилади. Кунларнинг бирида уч-тўрт уй нарида яшайдиган бошқа қўшнининг боласи ўзининг уйида ўсган райҳон ва қўқонгулларни юлиб, елим халтага солиб қўшнимиз уйи олдига ташлаб кетибди. Чиқинди ташлайдиган қути унча узоқ эмас аслида, эринчоқликни қаранг. Қўшним елим халтани менинг олдимга олиб келди:

— Сиз оқсоқолсиз, сиз олиб боринг, ота-онаси кўрсин, бу нима қилиқ? — деди.

Отасини чақирдим. “Нима гап”, деди. Мен бўлган воқеани айтдим. Шунда у ўғлини чақириб:

— Бор, ўғлим, ён чўнтагимдан ўн минг сўм олиб чиқ! Мана бу амакинга бериб юборайлик, — деса бўладими. Шунда:

— Суф-эй, сендай отага! — деб қайтиб кетдим.

У бугун боласига нимани ўргатди? Эртага бу бола ким бўлади? Шуни ўйлаб ҳам кўрмади. “Пулинг бўлса дунё сеники”, қабилида иш қилди, ўғлига “ўрнак” бўлди. Энди боласи катта бўлса қароқчилик қилиб бўлса ҳам пулдор бўлиш пайига тушиши, бировнинг ҳаққини ейиши, алал-оқибат ўғри-каззоб бўлиб вояга етмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди!

Тарбия ўта нозик масала. Худди мўртгина ниҳол, сал қалтис ҳаракат қилинса, синиши мумкин. Унинг тўғри ўсиши шаксиз ота-онанинг тарбияли, ўқимишли, илмли эканига ва фарзандларини одоб доирасида, имонли ва ўқимишли этиб камолга етказа билишига боғлиқ.




Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

**Ўлмас КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳар, Учтепа тумани,**
**Кўркам обод маҳалласи фаоли.**

## ТАФАККУР

Ким ишда шошилса,
ҳовлиқса,
у албатта кеч
қолади, шошилиб
қилинган
ишларнинг
охири вой
бўлади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Ожиз, ғариб
меҳмон келса,
ҳозир бўлган
нарсани меҳмонга
тезлик билан
қўй, унга малол
келтирма.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ.

Халқнинг етуги
саxий кишидир,
саxийлик шараф,
мартаба ва
камолотингни
орттиради.

Аҳмад ЮГНАКИЙ.

Ўзунгни зебо
либос хаёлидин
ўткар, либос-и
зеболиғни
тиласанг,
бир ялонғочни
буткан!

Алишер НАВОИЙ.

Сабр шундай
бир кучли
нарсадурки,
шаҳватни иффатга,
ғазабни шижоатга,
шиддатни
ҳилмга,
катталикни
тавозуъга,
ёмонликни
яхшиликка
айлантирмакка
қуввати етар.

Абдулла АВЛОНИЙ.

O'zingni angla!
Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 4457
Буюртма — Г-565
1 2 3 4 5 6

Телефонлар: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Обуна индекси:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Топширилиш вақти — 21:00
Топширилди — 20:50

ISSN 2181-0680

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Р.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Х.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.